

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2023-yil 14-iyul, №28 (3038)



BIZ
HAQIMIZDA

@ vatanparvar-bt@umail.uz

facebook.com/mudofaavazirligi

t.me/mv_vatanparva

instagram.com/mudofaavazirligi

t.me/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

IJTIMOIIY-SIYOSIY, MA'NAVIY-MA'RIYATIY-VATANPARVARLIK GAZETASI

G'OLIBLIKKA MUNOSIBLIK MAS'ULIYATI

Hozir men aytayotgan rekordlar ortida mashaqqatli tayyorgarlik jarayonlari, bizdan oldin ishtirok etgan akalarimizning ko'rsatmalari, Vatan sha'ni va xalqimiz ishonchi turibdi.

7

KITOBGA OSHNO YOSHLAR

Yaxshi odatlar ham yuqumli bo'larkan. Harbiy qismda mutolaa uchun ajratilgan vaqt va o'tkazilayotgan badiiy kechalarning ijobiy natijasi o'laroq, askarlar orasida sog'lom muhit va raqobat shakllana boshladi.

14



Vatan – ulug',
burch – muqaddas!

ХАЛҚ ВА АРМИЯ

ЯҚДИЛЛИГИ ЙЎЛИДАГИ КОНЦЕПЦИЯ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 июндаги 267-сонли қарорига мувофиқ, «2023 – 2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепцияси» қабул қилинди.



Аввало, ушбу концепциянинг ижтимоий қиммати ва зарурати бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даврида, дунёнинг турли бурчакларида, жумладан минтақамизда юз бераётган қуролли можаролар ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар тобора авж олиб бораётганида кўзга яққол ташланади. Ўзаро миллий бирлашувнинг сустлиги, ёшлар онгида турли радикал ғояларнинг авж олиб бораётгани, Ватанни севиш ва унинг тақдирига жавобгарлик туйғулари сув ва ҳаводек зарур бўлган ушбу паллада ҳарбий-ватанпарварлик йўлида қўйилган ҳар бир қадамнинг қиймати бебаҳо эканини ҳар бир ўзбек фуқароси яхши англаб турибди.

Биз қуйида ушбу концепциянинг луғавий моҳиятига назар ташлар эканмиз, бу саъй-ҳаракатлар юртимизнинг барча жабҳаларида фаол амалга оширилиши, айниқса, ёшлар онги ва руҳиятида чуқур акс этиши лозимлигига такрор-такрор гувоҳ бўламиз.

Айниқса, ушбу концепцияни амалга ошириш бўйича қабул қилинган «Йўл харитаси»да мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик, шу жумладан, ҳарбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлигини чуқур сингдириш, «**Халқ ва армия – бир тану бир жон!**» деган эзгу ғоя асосида ёшлар тарбиясига масъул вазирлик ва идораларнинг куч ва имкониятларини бир ғоя, бир мақсад асосида бирлаштириш талаб этилмоқда.

Буларни ҳаракатга келтирувчи асосий механизмлар – Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мак-

таб таълими, Маданият ва туризм, Ёшлар сиёсати ва спорт, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Республика «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳарбий-маъмурий секторлар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг асосий субъектлари ҳисобланади.

Хўш, ушбу концепциянинг асосий ўзак-мағзи нимадан иборат? Мухтасар қилиб айтганда, ҳар қандай оғир ва мураккаб вазиятда Ватаннимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шухратини дунёга тараққий этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчаларни, ҳаётини ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат, шунингдек, миллий қадриятлар асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш орқали ватанпарвар, садоқатли ҳамда шижоатли ёшларни камол топтириш **концепциянинг асосий моҳиятини ташкил этади.**

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари «**Ватан – улуг, бурч – муқаддас!**» концептуал ғояси остида ташкил этилиб, унда қатъий фикр ва эътиқодга эга шахсларни шакллантириш асосий вазифа этиб белгиланади. Мазкур ғоянинг асосий мазмун-моҳияти ўсиб келаётган авлодда буюк тарихимиз, азалий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, миллий руҳ ва ғурурни юксалтириш, бебаҳо бойлик – тинчлик ва осойишталикни асраш ва ҳимоя қилиш зарурлиги каби фазилатларни шакллантириш, зарурат бўлганда, мамлакат суверенитетини ҳимоя қилишга тайёр туриш руҳида тарбиялашдан иборат.

Шу ўринда эътиборингизни «**ҳарбий-ватанпарварлик**» тушунчасига қаратмоқчиман. Чунки **ҳарбий ва ватанпарварлик тушунчалари ўзаро муштарак бўлиб**, уларни бир-бирдан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Бу яхлит тушунчанинг асосий мақсади ҳам ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан боғлиқ бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқининг тақдири учун юксак масъулият ҳамда жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни мустаҳкамлашдан иборат.

Бунинг учун эса кучли тарғибот-ташвиқот ишларини тобора кенгайтириш, буюк тарихимиз, улуг аждодларимизнинг бой маънавий мероси, Жалололдин Мангуберди, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларнинг **жаҳон цивилизацияси ҳамда ҳарбий санъат ривожига қўшган ҳиссаларини** ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жонфидо қилган юртдошларимиз кўрсатган ватанпарварлик ва қаҳрамонлик, улардаги садоқат, фидойилик, матонат ҳамда жасорат каби хислатларни, шунингдек юрт, оила, ота-она ва фарзандлар ҳимояси халқ ва аждодлар хотираси олдида муқаддас бурч эканини **ёшлар онгига сингдириш асосий вазифаларимиздан бири** бўлиб қолади.

Албатта, бу йўналишда ўтган йиллар давомида муҳим қадамлар ташланди. Хусусан, ҳудудларда туркум ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ҳамда «Жасорат мактаби» номли ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинларини ўтказиш орқали ёшлар онгида миллий армиямизга бўлган ишонч ва ҳурмат сезиларли даражада ошди. Қабул қилинган концепцияда ҳам ушбу амалий ишларни янада кучайтириш, умумтаълим мактабларида қабирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилишининг сифатини ошириш, ўқув-моддий базани мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратиш ҳамда шу орқали ўқувчи-ёшларда ҳарбий хизмат, уни ўташнинг ҳуқуқий асосларига оид билимлар ва **бошланғич ҳарбий тайёргарлик даражасини оширишга** алоҳида урғу берилди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими узлуксиз жараён бўлиб, **у бир-бирига боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий, маданий-маърифий тадбирлар мажмуасидан** иборат. Шундан келиб чиқиб, қуйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг **асосий принциплари экани таъкидланди:**

илмийлик;
тарихийлик;
аниқлик ва тезкорлик;
мунтазамлик;
фаоллик;
таълим ва тарбия ишларининг уйғунлиги;

тарбия жараёнининг изчиллиги;
ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида эришилган ижобий натижа ва ютуқларга таяниш.

Бундан ташқари, қуйидагилар ёшларни **ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг усуллари** ҳисобланади:

ишонтириш;
машқ қилдириш ва мустақил ишлаш;
кузатиш;
рағбатлантириш;
ўрнатилган кўрсатиш ва шахсий намуна.

Албатта, ушбу тушунчаларни амалда жорий этишда илмий-назарий ва амалий конференциялар, семинар-тренинглар, муайян мавзуга бағишланган кечалар, баҳс-мунозаралар, викториналар, давра суҳбатлари, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, кино ва мультфильмлар, бадиий ва муסיқий асарлар, аскар қўшиқлари, оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар ва электрон ўйинлар ҳамда бошқа техник воситаларнинг ўрни ва роли беқиёс. Сўзимизнинг амалий исботи сифатида концепцияда белгиланган давлат байрамлари арафасида ёшларда жасурлик, мардлик, фахр ва ифтихор туйғуларини оширишга йўналтирилган «**Мардлик ва жасорат**», «**Тинчлик**», «**Мустақиллик**» дарслари; «**Жиззах тажрибаси**» асосида **ҳарбий қисмлар базасида ёшлар учун ўқув йиғинлари**; «**Мард аскар – ёшларга намуна**» шиори остида ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар намойиши, ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги бўйича, ҳарбий оркестр ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг кўргазмали чиқишлари, шунингдек Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув курслари ҳамда спорт секция ва тўғарақларининг кўргазмали намойишлари; ёшларда ватанпарварлик, юрт тинчлиги ва тараққиётга дахлдорлик туйғуларини юксалтириш мақсадида «**Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!**» шиори остида учрашув ва суҳбатлар; ёзги дам олиш оромгоҳларида «**Ватанпарвар**» карвонларини ва ўқувчи-ёшлар билан «**Мен албатта ҳарбий бўламан!**» машғулотлари; умумтаълим мактабларининг 10-11 синф ўқувчилари ва маҳаллардаги уюшмаган ёшлар ўртасида ўтказиладиган ҳудудлар кесимидаги **ҳарбий-спорт мусобақалари** шулар жумласидандир.

Хўш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари таҳлили ва ундан кутилаётган натижалар ҳақида нима дейиш мумкин? Концепцияда белгиланган чора-тадбирлар ижроси юзасидан беш муҳим натижани санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, ушбу концепция ҳарбий хизмат нуфузи ҳамда Қуролли Кучларимиз билан фахрланиш ва унинг салоҳиятига ишонч ҳиссини шакллантириш, ёшларнинг ҳарбий касбни танлашга бўлган қизиқишини ошириш имконини беради.

Иккинчидан, ёшларда ижтимоий аҳамиятга эга фуқаролик туйғусини шакллантириш, етуклик, Ватанга муҳаббат ва бурч, миллий аъналарга содиқлик, тарихий ва маданий қадриятларни сақлашга интилиш каби фазилатларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Учинчидан, ҳар томонлама ривожланган, содиқ, ватанпарвар, одил, мард ва жасур ёшларнинг тайёрланиши таъминланади.

Тўртинчидан, ёшларда радикал ғояларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитет шаклланади ва мустаҳкамланади.

Бешинчидан, маънавий-ахлоқий муҳит ва аънавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш негизида мустаҳкам оила қуриш фазилатлари ривожланади.

**Подполковник
Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» бирлашган
таҳририяти бош муҳаррири**

АЛОҚА УСТАСИ

ёхуд полковник Афзам Избосаров фаолиятига назар

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар қаерда ва қайси лавозимда бўлишидан қатъи назар, ўз фидойилиги, касбига ҳурмати, профессионаллиги ва садоқати билан алоҳида ажралиб туради. Ундай инсонлар ўтиб бораётган ҳар бир кунни ғанимат билиб, нимадир фойдали иш қилгиси, соҳага муносиб ҳисса қўшгиси келади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби Алоқа, ахборот технологиялари ва ахборотни ҳимоялаш бош бошқармаси бошлиғи лавозимида самарали фаолият юритган полковник Афзам Избосаров ҳам ана шундай ватанпарвар, фидойи юртошларимиздан бири.



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирига амалга оширган ташрифидан сўнг вазирлик алоқа тизимини такомиллаштириш, алоқа бўлинмаларини малакали кадрлар билан бутлаш учун алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган фуқароларни ҳарбий хизматга чақириш бўйича кўрсатмаси ва вазирлик раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан 2018 йил август ойида Афзам Избосаров контракт бўйича ҳарбий хизматга чақирилиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби Алоқа, ахборот технологиялари ва ахборотни ҳимоялаш бош бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Полковник А. Избосаров ўз меҳнат фаолиятини республикамизнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг энг куйи поғонасидан бошлаб, бир қанча юқори раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган, истиклол давридан бошлаб алоқа тизимига илғор хорижий давлатлар тажрибаси ва замонавий технологияларни жорий этиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширган. Соҳада эришган ютуқлари боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 сентябрдаги фармони асосида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими» фахрий унвони билан тақдирланган.

Полковник А. Избосаров масъул лавозимга тайинланганидан сўнг Қуролли Кучлар ва Мудофаа вазирлиги алоқа тизимини тўлиқ рақамлаштириш, алоқа узелларини замонавий алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари билан жиҳозлаш, куч тузилмалари ўртасида ҳамкорлик алоқасини тўдан янгилаш, замонталабларидан келиб чиқиб, алоқа

бўлинмаларининг ташкилий тузилишини қайта ишлаб чиқиш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тўдан янгилаш ҳамда етук мутахассис кадрларни ҳарбий хизматга жалб этиш ишларига киришиб кетди. Шунингдек, алоқа бўлинмалари мобиль алоқа техникаларини модернизация қилиш, қўшинлар кундалик ва жанговар хизмат фаолиятини самарали ташкиллаштиришга қаратилган турли мақсадлардаги тизимларни яратиш ва уларни ўзаро интеграция қилиш, электрон ҳужжат алмашишни ташкил этиш, электрон маълумотлар базасини яратиш ҳамда бу билан қўшинларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимининг пойдеворини қўйиш, маънан эскирган ва кўп йиллар давомида омборларда сақланган фойдаланишга яроқсиз алоқа ва ахборотлаштириш воситаларини утилизация қилиш, хорижий давлатлар армияларининг илғор технологиялари ва ижобий тажрибаларини таҳлил қилиб, вазирлик қўшинлари бошқарув тизимига татбиқ этиш бўйича пухта режалар ишлаб чиқилди.

Натижада 2019 йил 16 январда «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги алоқа қўшинлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва 17 январда «Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа соҳасида офицер кадрларни тайёрлаш тизимини кейинчалик такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур фармон ва қарорда амалга оширилиши белгилаб берилган тадбирлар Қуролли Кучлар алоқа тизимини тўдан ислох қилишни ва давлат мудофаа соҳасини рақамли технологияларга асосланган бошқарув тизимига ўтказиш даври келганлигини кўрсатди.

Мудофаа вазирлигида қўшинлар кундалик ва жанговар хизмат фаолиятида алоқа ва ахборот алмашувининг сифати, тезкорлиги ва узлуксизлигини таъминловчи оптик толалари алоқа кабелларини ётқизиш ишлари амалга оширилиб, бунда Рақамли технологиялар вазирлиги, «Ўзбектелеком» АЖ ҳудудий филиаллари билан ҳамкорликда мақсадли тадбирлар режа асосида ташкиллаштирилди. Бу билан Мудофаа вазирлигининг барча таркибий бўлинмаларига сифатли, тезкор, узлуксиз ва катта ҳажмдаги электрон маълумотларни алмашиш имконияти яратилди. Алоқа узеллари кенг имкониятларга эга замонавий алоқа ва ахборотлаштириш воситалари билан жиҳозланди. Бўлинмалар тезкор интернет хизматлари билан таъминланди. Шунингдек, республикамизнинг энг чекка ва тоғли ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисмларга қадар ётқизилган оптик толалари алоқа линияларидан фойдаланиб, маҳаллий аҳоли учун ҳам алоқа хизматлари тақдим этилишига ҳисса қўшилди.

биллигини таъминлаш мақсадида энг сўнги намунадаги рақамли алоқа ва ахборотлаштириш воситалари билан тўлиқ жиҳозланган мобиль бошқарув пункти яратилди. Бу тизимда соҳа бўйича амалга оширилган ишларнинг якуни турли мақсадларда қўлланувчи тармоқларни ўзаро интеграция қилиш билан автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратишга имкон берди.

Ҳарбий қисм ва муассасалар жойлашган ҳудудларда транк база станциялари ўрнатилиб, транк радио алоқаси билан қамраб олинди. Вазирлик тизимидаги 230 дан ортиқ мобиль алоқа техникалари модернизация қилинди. Вазирлик ва бўйсунувчи бўлинмалар ўртасидаги телефон сўзлашувларининг оперативлигини оширишда қўшинларда мавжуд телефония тизими такомиллаштирилди. Янгидан барпо этилган Қуролли Кучлар Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастури маркази, Ҳарбий тиббиёт академияси ҳамда Марказий ҳарбий клиник госпиталь замонавий рақамли алоқа ва ахбо-

рота-ўқув полигонларида ўтказилган ўқув машқ ва машғулотларини масофадан назорат қилиш, ишлаб чиқариш объектлари ва омборлар хизмат фаолиятининг видеокузатув, Қуролли Кучлар, Мудофаа вазирлиги ва халқаро миқёсда ўтказиладиган тадбирларнинг видео-конференц-алоқа тизимида ташкиллаштирилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факультетида алоқа мутахассислиги кадрларини тайёрлаш тизими тўдан ўзгартирилиб, ушбу факультет Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти этиб қайта ташкил этилди. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлашнинг ўқув-моддий базалари энг сўнги намунадаги жиҳозлар билан таъминланди, институтда тингловчиларнинг амалиётини самарали ташкиллаштириш мақсадида Мудофаа вазирлигининг алоқа ва унинг техник таъминоти бўлинмалари олийгоҳ билан битта ҳудудда янгидан барпо этилган ҳарбий шаҳарчада жойлаштирилди.

Мудофаа вазирлиги бўлинмаларида транк радиоалоқа тизимининг йўлга қўйилиши командирлар таркибининг бўлинмаларни бошқариш самарадорлигини таъминлади. Республикамиз ҳудуди бўйлаб бир қанча транк база станциялари ўрнатилди ва уларнинг диспетчерлик пунктлари яратилди. Бу тизим бўлинмалар жанговар ҳаракатларини тўлиқ масофадан назорат қилиш ва ўз вақтида қарорлар қабул қилиш имкониятини яратди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги бўлинмалари алоқа узеллари рақамли радиостанциялар, замонавий алоқа ва ахборотлаштириш воситалари билан жиҳозланди. Ҳаво учоқлари бошқарувининг мо-

рот-коммуникация тизимлари билан тўлиқ таъминланди.

Алоқа қўшинлари контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар ва сержантлар таркибининг малакасини ошириш мақсадида мудофаа вазирининг 2022 йил 25 августдаги тегишли буйруғи билан Мудофаа вазирлиги Алоқа ва ахборот технологиялари мутахассисларини тайёрлаш маркази очилиб, фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу марказ энг сўнги намунадаги замонавий рақамли алоқа ва ахборотлаштириш воситалари билан жиҳозланган бўлиб, тингловчилар учун қўшинларга татбиқ этилган барча турдаги замонавий алоқа ва ахборотлаштириш воситаларидан фойдаланиш сирларини мукамал ўзлаштириш имконини беради.

Ҳа, юқорида айтиб ўтилган ишларни амалга ошириш учун, балки, бир инсон умри камлик қилар. Аммо полковник Афзам Избосаров меҳнат-севарлиги, фидойилиги, мақсади йўлида тиним билмаслиги ва раҳбарият қўллови билан буни удалади.

2021 йили мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан полковник Афзам Избосаровнинг меҳнатлари муносиб эътироф этилиб, Президентимиз фармони асосида «Мардлик» ордени билан тақдирланди.

Қаҳрамонимиз яқинда ҳукумати-миз томонидан бошқа бир масъул вазифага – «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди. Ҳа, полковник Афзам Избосаровдек етук кадрлар юрти-мизнинг барча соҳалари учун қимматлидир. Фидойи инсон, ўз касбининг устаси Афзам Фахриддиновичга Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан янги вазифаларида омад тилаймиз.

Бугунги ахборот асрида кўп эмас, бор-йўғи бир кун виртуал оламдан узилиб қолсангиз борми, ўзингизни замондан ортда қолиб кетган кишидек ҳис қила бошлайсиз. Кўча-кўйда, дўстлар даврасида улар тилидаги мавзуларга нисбатан бегоналик ҳис этасиз. Чунки сизда озми-кўпми информацион бўшлиқ бор. Шундан келиб чиқиб фикр юритиш мумкинки, ҳарбий хизматчиларнинг нормал фаолиятидаги бир кунлик танаффус ҳам реал вазиятларда улар учун қимматга тушиши мумкин.



ЖАНГОВАР МАШҒУЛОТЛАРДА



Шунинг учун ҳарбий қисмларда маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлик машғулотлари қатъий режа асосида тизимли равишда ўтказиб келинмоқда. Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида ташкил этилган навбатдаги ўқув машғулотлари ҳам шулар қаторига киради.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Барчамиз кундалик ҳаётимизда уяли алоқа воситаларидан фаол фойдаланамиз. Эътибор берган бўлсангиз, вақти-вақти билан телефонингизга дастурларнинг эскиргани ва уни янгилашингиз (*обновление*) кераклиги ҳақида хабар келади. Табиийки, янги дастур сизга янги имконият ва қулайликлар тақдим этади. Мана шу оддий мисол ҳам Қуролли Кучлар тизимидаги жанг услубиятининг замонавий кўринишларини ўзлаштириш, янги қараш ва фикрлашнинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб турибди. Жойларда ўтказилаётган жанговар тайёргарлик машғулотларида эса бунга устувор масала сифатида қаралмоқда.

Ҳарбий хизматчи учун энг муҳим жиҳат унинг руҳий ва жанговар барқарорлиги, албатта. Бунда олинган назарий билимларнинг амалий синови муҳим ўрин тутди. Ҳақиқий жанг ҳолатига яқин муҳит яратилган дала-ўқув





янгича қараш, янгича ёндашув



майдонида олиб борилган жанговар тайёргарлик машғулоти ҳарбий хизматчиларнинг жасорати, матонати ва маҳоратини сайқаллайди. Бажариш мураккаб, ўтиш мушкул бўлган тўсиқлар узра тез ва тўғри ҳаракатланиш узоқ олиб борилган машғулотлар натижасида бўй кўрсатади.

Янгича ғоя ва ташаббуслар билан ташкил этилаётган бу каби ўқув машғулоти муҳим вазифаларни бажарадиган юрт ўғлонларини реал вазиятларда аниқ ва тезкор ҳаракат қилишига замин яратади. Улар жисмоний ва руҳий зўриқишларни енгиш ҳамда душманга руҳий босим ўтказиш, гаровдагиларни яқка тартибда ҳаракатланиб, озод этиш ва ярадорларни эвакуация қилиш чоғида хатосиз ўт очиш, жуфтликда ҳаракатланган ҳолда отиш позицияларини ўзгартириш, ҳарбий-тиббий тайёргарлик меъёрларини бажариш ва ҳаракатланувчи нуқтадан тўғри нишонга олиш каби вазифаларни ўзида мужассам этган машғулотларни юсак савияда бажариб, билим ва кўникмаларини синовдан ўтказишди.

**Катта лейтенант
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»**

АСИЛ ЎҒЛОНЛАР САФИДА

Навоий вилоятининг Кармана туманида Хосақўрғон деган қишлоқ бор. Адлия капитани Зоҳиджон Жумаев шу қишлоқда туғилиб, вояга етган. Тажрибали, ўз соҳасининг билимдони бўлган бу ҳарбий хизматчи ҳақида уни таниган-билганлар фақат илиқ гаплар айтади. Унинг ўз касбига муҳаббатини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади. Бу юртда Ватан учун қилинган ҳеч бир иш беиз кетмайди. Зиммасидаги муқаддас вазифани шараф билан адо этаётган, ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгиб, элу юрт манфаатига содиқ қолишдек мустаҳкам эътиқод билан олға интилаётган қаҳрамонимизнинг меҳнати ҳам Қуролли Кучларимизнинг 30 йиллиги байрами арафасида муносиб эътироф этилди. У Президентимизнинг фармонида кўра, “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди.



...Уч қиздан сўнг туғилган ўғил фарзанд барчани бирдай шодумон этди. Чақалоққа яхши ниятлар билан Зоҳиджон дея исм қўйдилар. Чақалоқ билан бу хонадонга гўё қувонч кириб келгандек эди. Уни оиланинг каттаю кичиги суюб-эркалар, еру кўкка ишонмас эди. Болакай ҳамманинг овунчоғига айланди. «Зоҳиджон катта бўлса, паҳлавондек йигит бўлади», дерди Барот ака тинмай чақалоқни алқаб. Ана шундай бахтиёр лаҳзаларда опалари ҳам оталарининг кўнглидан кечаётган ширин ҳисларни сезаётгандек, чақалоққа меҳр билан термилишарди. Бундай кезде оила бекаси Мавжуда опанинг қувончи ичига сиғмасди...

Вақт елдирим. Йиллар ўтиб, Зоҳиджон отаси орзу қилгандек ўктам йигит бўлиб улғайди. Бу вақтга келиб, ундан кейин туғилган икки укаси ҳам улғайиб қолишган эди.

– Юрист бўлишни орзу қилардим. Шунинг учун мактабни тамомлаган йилим Тошкент давлат юридик университетига ҳужжат топширганман, – дейди адлия капитани Зоҳиджон Жумаев. – Лекин омад кулиб боқмади. Ўшанда билимим панд берди, дея олмайман. Чунки қаттиқ тайёргарлик кўргандим, ўзимга ишонардим... Кейин армияга кетдим. Муддатли ҳарбий хизмат ҳаётимда катта бурилиш ясагани рост. Чунки ҳарбий хизмат давомида ҳарбий касбга қизиқишим ортди. Касблар ичида шундай шарафли касб бор эканлигини англаб етдим. Ўшанда қалбимда ҳарбий юрист бўлиш истаги пайдо бўлган...

Муддатли ҳарбий хизматдан имтиёзли тавсиянома билан қайтдим ва ўша йили Тошкент давлат юридик университетига энг юқори балл билан ўқишга кирдим. Вақтлар келдики, ҳарбий юрист сифатида Қуролли Кучлар сафига қабул қилиндим.

– Шу кунгача ҳаётда ва ҳарбий хизматда эришган муваффақиятларингизда кимларнинг ҳиссасини деб биласиз, кимдан кўпроқ миннатдор бўласиз?

– Мен ўқишга киришимдан то бугунги кунгача эришган муваффақиятимда дадамнинг

меҳнати, ҳиссаси бор. Чунки дадамнинг фарзанд тарбиясига бўлган эътибори, қаттиққўллиги сабаб оиладаги етти фарзанднинг барчаси билим олди, касб-хунарли бўлди, ҳаётда ўз ўрнини топди.

Дадам ҳеч қачон ўш вақтимизни беҳуда ўтказишга йўл қўймаган. Айниқса, ўғил фарзандларнинг тарбиясига бошқача ёндашардилар. Учовимизни ҳам таътил кунлари сартарошга, машина тузатадиган устага, юқори синфга ўтганимизда эса қассобга шогирдликка бергандилар. «Бир йигитга қирқ хунар ҳам оз» деганларидек, биз ака-укалар ёшлик чоғларимиздан хунарли бўлганмиз. Суюгимиз меҳнатда қотди. Бунинг учун дадамдан миннатдорман. Мен ҳар доим уларга муносиб фарзанд бўлишга интилганман.

– Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, дейишди. Шу ўринда устозларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Адлия подполковниги Толмас Рустамов, адлия майори Азизбек Қурбоновдан кўп нарсаларни ўргандим. Тажрибали, талабчан ва қаттиққўл бўлиши билан бирга табиатида олижаноблик, меҳрибонлик мужассам инсонлар. Фаолиятим давомида уларнинг ўғитларига таянаман.

– Сиз хизмат қилаётган жамоа ҳақида нима дейсиз?

– Жамоада ўзаро ҳурмат, аҳиллик, соғлом рақобат бўлса, ютуқлар ҳам шунга яраша салмоқли бўлади. Мен ўзимни омадли инсонлар қаторига қўшаман. Чунки аҳил жамоада хизмат қиламан. Бу ердаги ҳар бир ҳарбий хизматчи ўз бурчини чуқур масъулият билан бажаради. Фидокорона хизматлари билан барчага ўрнатилган бўла оладиган касбдошларимиз ҳам талайгина. Мана шундай жамоада инсон ўзини янада кучлироқ сезади.

– Ҳаётдаги шиорингиз нима?

– Шошқалоқ эмасман. Ҳаётдаги шиорим ҳам табиатимга хос: «Етти ўлчаб бир кес». Ҳар қандай ишни қилишдан олдин ўйлаб, мулоҳаза қиламан. Ҳарбий хизматда ҳам, ҳаётда ҳам доим мендан тажрибали инсонларнинг маслаҳатларига, ўғитларига таянаман.

– Бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз?

– Бўш вақтимиз асосан дам олиш кунларига тўғри келгани учун кўпроқ фарзандларимга вақт ажратишга интиламан, яна китоб ўқийман, спорт билан шуғулланаман.

– Сизнинг уйда бўлишингиз фарзандларингизни қувонтириб юборса керак-а?

– Ҳа, жудаям хурсанд бўлишди. Улар билан кунингиз қандай ўтганини билмай қоласиз. Тўнғич фарзандимизнинг исми Ҳумоюн, бу йил иккинчи синфни тамомлади. Мактабда яхши ўқийди, келажакдаги орзуси осмон қадар. «Президент бўламан», дейди. Кейинги фарзандларимиз эгизак: Фотима ва Ҳусан 5 ёшда. Мен мана шу фарзандларимдан куч оламан, яшаш завқини туяман. Улар келажакда қандай касб эгаси бўлишларидан қатъи назар, энг аввало, ҳақиқий инсон бўлишларини истайман. Фарзандлар ота-онадан ўрнатилган олиб улғайди, дейишди. Шунинг учун оилада яхши ота, намунали турмуш ўртоқ, оила бошлиғи бўлишга интиламан.

– Ватан туйғусини қандай таърифлайсиз?

– Ватан туйғуси бу – туғилиб-ўсган юртга бўлган муҳаббат ҳисси. У инсоннинг қонига, жонига сингиб кетадиган муқаддас ва мўътабар туйғу. Мана шу ҳис сабаб инсон ўз юртини авайлайди, асрайди, унинг ҳар қарич ерини бебаҳо гавҳарга менгзайди. Ўзбекистон – бизнинг муқаддас ва азиз Ватанимиз. Шу жаннатмакон ўлканинг тинчлиги ва осойишталигини асраш, уни келгуси авлодларга шундайлигича омон етказиш авлодлар олдидаги вазифа. Мен Ватаннинг асил ўғлонлари қаторида шундай муқаддас вазифани адо этаётганимдан фахрланаман!

– Инсон вояга етган гўша ҳам Ватаннинг бир бўлагидир.

Айтинг-чи, қишлоғингизга ҳам тез-тез бориб турасизми?

– Асосан таътил пайтлари борамиз. Мен қишлоғимизни яхши кўраман. Чунки болалигим ўтган. Яна у ерда азизларим – ота-онам, опаларим, укаларим яшайди. Шунинг учун доим уларнинг дийдорига ошиқиб тураман. Отам бир умр хайдовчилик қилган. Айни вақтда онам билан неваралар ардоғида қариллик гаштини суряптилар. Илоҳим умрлари узоқ бўлсин. Улар доим бизнинг йўлимизга кўз тикиб ўтирадилар. Биз қишлоққа борганимизда ота ҳовлимиз тўйхонага айланиб кетади. Кечқурун катта дастурхон атрофида хотиралар жонланади. Ҳазил-ҳузур авжига чиқади. Буларнинг бари кўнглимга чексиз ҳузур бағишлайди, хотиржамлик бахш этади. Шундай пайтда ўтаётган ҳар лаҳзани қадрлайсиз, «қанийди, вақт тўхтаб қолса», деб орзуманд бўласиз. Бу жуда бошқача ҳис...

– Сиз Ватан олдидаги хизматларингиз туфайли юксак давлат мукофотида сазовор бўлдингиз, эл назарига тушдингиз. Бу сизга қанчалик масъулият юкледи?

– Давлат мукофотида лойиқ топилиш қанчалик шарафли бўлса, унга муносиб бўлиш шунчалик масъулиятли. Бунинг мукофотни қабул қилиб олган илк лаҳзаларда англаб етганман. Яна бундан буён ҳам ўз бурчимни фидойилик билан ўташим кераклигини, доим илғорлар қаторида бўлишим лозимлигини тушунганман. Мен ҳаётимни ҳарбий соҳа билан боғлаганман. Демак, ҳарбий касб – бу менинг тақдирим. Шундай экан, элим, юртим ҳимоясида, унинг тинчлиги, барқарорлиги йўлида хизмат қилишдан асло толмайман.

Подполковник
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА
суҳбатлашди.

ҒОЛИБЛИККА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Мана, тўрт йилдирки, Америка Қўшма Штатларининг Миссисипи штатидаги «Camp Shelby» ҳарбий ўқув базасида ўтказиб келинаётган «Энг илғор жангчи» мусобақасида юртимиз ўғлонлари биринчиликни қўлдан бермай келмоқда. АҚШ Миллий гвардиясининг Махсус бўлинмалари ҳарбий хизматчилари билан мардонавор куч синашиб келаётган ҳарбий хизматчиларимизнинг тайёргарлик жараёнлари, мусобақадаги машаққатлари ва муваффақиятлари ҳақида суҳбатлашдик.



III даражали сержант Абдурасул ТУЙҒУНОВ, «Энг илғор жангчи – 2022» мусобақаси ғолиби:

– Сафдошларим 2021 йили ушбу мусобақада иштирок этаётган бир пайтда биз ҳам бошқа ўқув йиғинида қатнашиш учун АҚШдаги ўша дала полигониди эдик. Шу онларда юртдошларимнинг жараёнлардаги иштирокини кузата туриб, келгуси йил бўлиб ўтадиган мусобақада мен ҳам иштирок этман, дея ният қилган эдим. Ниятим холис экан, омадим кулиб, саралаш жараёнларидан юқори натижаларини қайд этган ҳолда мусобақада иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдик. Аслида йилдан йилга мусобақа иштирокчиларини саралаб олиш анчагина қийинлашиб бормоқда. Чунки ҳарбий укаларимизнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги анча юқори. Шунинг учун улар орасидан энг яхшиларини танлаб олиш осон эмас. Бунинг устига, тўрт йилдирки, ўзга давлатда бўлиб ўтаётган мусобақада мутлақ ғолибликни қўлга киритиш ва уни бардавомликда ушлаб туриш йигитларга анчагина масъулият юклайди.

Мусобақа низомига кўра, иштирокчилар якка таркибда жисмоний тайёргарлик синовлари (6 та машқни ўз ичига олган фитнес-тест), руҳий ва жисмоний тўсиқлар йўлагидан ўтиш,

тунда 15 км масофага ориентирлаш, 15 кг юк билан 20 км масофага марш югуриш, жанговар ва умумий тайёргарлик бўйича тест синовлари, иншо ёзиш (ҳарбий ҳамкорлик мавзусида 500 тадан кам бўлмаган сўз), артиллерия оловини бошқариш, АҚШ намунасидаги ўқотар қуролларни нотўлиқ қисмларга ажратиш, йиғиш ва жанговар ҳолатга келтириш, шунингдек, улардан турли усул ва шароитларда ўқ отиш, тиббий тайёргарлик, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш, кутилмаган (сюрприз) машқлар каби шартларни бажариш ўрин олган.

Сафдошим Абдумалик Абдурахмонов билан барча шартларни юқори натижа билан бажардик. Ҳатто 15 кг юк билан 20 км масофага марш югуриш шартини бажариб бўлганимиздан кейин рақибларимиз келиб, Абдумаликдан бундай қийин шартни рекорд вақт ичида бажарганимиз сирини сўраган экан (кулади). Шунда шеригим табассум билан бизда бу каби машғулотлар кун тартибимизга киритилганлиги, шунинг учун бундай юкламалар жисмоний имкониятимизни текламаслигини айтган эди. Айниқса, АҚШ намунасидаги ўқотар қуролларни нотўлиқ қисмларга ажратиш, йиғиш ва жанговар ҳолатга келтириш шартини ўзларидан ҳам тез бажаришимиз уларда жуда катта таассурот уйғотди. Мусобақа бошланишидан бир кун аввал барча шартларнинг бажарилиши юзасидан мутасаддилар қўшимча маълумот берди. Уларнинг ўқотар қуролни назарий билсак-да, амалда энди қўлимизга ушлаб турган эдик. Ҳатто шартлар билан танишиш жараёнида қуролни тез ёйиб, йиғиш бўйича ким ўзарга баҳслашиб кетдик. Томирларимизда буюк аждодларимиз қони оқиб тургани учун бизда ватанпарварлик туйғуси ва ор-номус жуда кучли. Бизнинг йигитлар майдонга тушар экан, ҳар доим уларнинг ортида Ватани, ота-онаси ва халқимиз турганини юрак-юрагидан ҳис этади. Бундай туйғу инсонга куч ва матонат беради.



Кичик сержант Азамат КЕНЖАЕВ, «Энг илғор жангчи – 2023» мусобақаси ғолиби:

– Бирор юқори натижани забт этишдан кўра, уни йиллар давомида ушлаб туриш қийин экан. Биз мусобақага боришдан олдин саралаш баҳсларида иштирок этаётган пайтимиздаёқ, бунинг нақадар масъулиятли вазифа эканини англаб етгандик. Шунинг учун ҳаёжон анча кучли бўлганди. Олдинги йилларда ғолибликни қўлга киритиб келган акаларимиз машғулотларда бизга жуда катта ёрдам беришди. Нималарга эътибор беришимиз кераклиги, қайси жараёнлар қандай кечиши ҳақида мусобақага боришдан олдин тасаввуримизни уйғотиб бўлишган эди. Мен билан бирга қатнашган кичик сержант Анвар Турсуновга ўзимдаги ҳаяжонни билдирмадим. Мендаги ҳолат унга ҳам ўтишини истамагандим. Мусобақа бошлангандан кейин барчаси ўз ўрнига тушди.

Миссисипи штатида жойлашган «Camp Shelby» ҳарбий ўқув базасида ўтказилган машғулотлар пайтида ҳаво намлигининг юртимизга нисбатан анча юқори эканлигини тушундим. Бу эса бизга ноқулайлик туғдирарди. Организм кўникиши учун анча вақт талаб этилади. Аммо бизда бунга имкон йўқ эди. Мақсадимизга етишиш ва ўтган уч йиллик давр мобайнида сафдош акаларимизнинг машаққатли

ғалабасини йўққа чиқаришга ҳам ҳаққимиз йўқ эди.

Мусобақа шартлари орасидан 3 200 метрга югуриш баҳсларига етиб келдик. Ўтган йили айнан ўша шартда юртдошларимиз рекорд натижани қайд этганди. Уларнинг ўрнатган рекорди 12 дақиқаю 5 сония. Бор куч-гайратимизни ишга солиб, ҳеч бўлмаса, ўша натижани ушлаб қолишга ҳаракат қилдик. Шукурки, қилинган ҳаракатлар натижасида рекорд 43 сонияга янгиланди ва 11 дақиқаю 22 сонияда қайд этилди. Бундай ҳолат инсоннинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади. Руҳият кўтарилади ва кейинги шартларни бажаришдаги қийинчиликларни энгиб ўтишда кучли ирода беради. Худди шундай ҳолат 15 кг юк билан 20 км масофага марш югуриш шартини ҳам содир бўлди. Ўтган йили ҳам айнан шу шартда рекорд ўрнатилган бўлиб, 2 соату 5 дақиқа қайд этилган экан. Бу йил ҳам бу йўналишда рекорд 11 дақиқага янгиланди ва 1 соату 54 дақиқа этиб белгиланди.

Мусобақанинг руҳий ва жисмоний тўсиқлар йўлагидан ўтиш ҳамда тунда 15 км масофага ориентирлаш шартлари энг қизиқарли ва юқори нуқтаси бўлди, десам хато бўлмайди. Ўрмон ичида жойлашган симли, арқонли ва ёғочли тўсиқлардан ўтишда тезлик, аниқлик ва бехатолик талаб этилади. Машқларни бажара туриб, секундомердан кўзини узмаётган мусобақа ҳакамларининг ҳаракати янада жадаллашимизга ундаса, ортимда турган юртим шаъни хато қилмасликка чорларди. Тунда 15 км масофага ориентирлаш шартини ҳам қизиқарли бўлиш билан бир қаторда анча машаққатли бўлди. Ёввойи ўрмон ичида ярим тунда градуслар билан ҳаракатланиб, 5 та нуқтани топиш керак эди. Улар орасида сувга ҳам кирдик, ботқоққа ҳам. Шарт бўйича 4 соат ичида бажарилиши керак бўлган вазифани 2 соатга етмасдан удаладик. Эришилган бундай натижа ҳам рақибларимизнинг ҳайратига сабаб бўлди.

Ҳозир мен айтаётган рекордлар ортида машаққатли тайёргарлик жараёнлари, биздан олдин иштирок этган акаларимизнинг кўрсатмалари, Ватан шаъни ва халқимиз ишончи турибди. Энг асосийси, юқорида айтганимдек, натижани забт этишдан кўра, уни йиллар давомида ушлаб туриш қийин экан. Келгусида иштирок этадиган дўстларимга омад тилайман. Бизнинг мудофаа салоҳиятимиз янги рекордларни забт этишга бемалол етади. Йигитларимиз ҳам ҳар қандай шартларни бажаришда бирор давлат ҳарбийларидан кам эмаслигига аминман.

«Vatanparvar» мухбири
 Шерзод ШАРИПОВ
 ёзиб олди.



КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АСРАЛАДИ

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда янги қурилиб, фойдаланишга топширилган кўплаб спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мажмуаси, компьютер панорамали ва пневматик отиш хоналари, кинология хизмати, махсус дала-ўқув майдони ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўз бурчини сидқидилдан ўташи учун асос бўла олади.

кон-металлургия комбинати раҳбари Абдулла Хурсанов ҳарбий қисмда яратилган шароитлар билан яқиндан танишиди. Танишув жараёнида мудофаа вазири Ватанга сидқидилдан хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, шу билан бирга шаҳар ҳокими ҳамда металлургия комбинати раҳбарини эсдалик совғалар билан тақдирлади.

бир ёқадан бош чиқариб, мамлакат тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётганини таъкидлаб ўтди.

– Ватаннинг ҳар бир қаричи, ҳар бир заррасини кўз қорачигидек асраш биз ҳарбий хизматчиларнинг шарафли бурчимиздир, – дейди подполковник Валижон Сатторов. – Шахсий таркибимиз Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва унинг моддий бойликларини қўриқлашдек масъулиятли вазифани бажа-



Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ва маҳаллий ёшлар шуғулланиши учун ўнлаб спорт тўғараклари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Хуллас, ҳарбий хизматчиларга шарт-шароитлар замонавий меъёрлар асосида яратиб берилган.

Мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов, Олмалиқ шаҳри ҳокими Қобил Ҳамдамов ва Олмалиқ

Тақдирлаш маросимида генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов ва комбинат раҳбари Абдулла Хурсанов сўзга чиқиб, Олмалиқ кон-металлургия комбинати юрт фаровонлиги, халқимиз дастурхонининг тўқинлигини таъминлаб келаётган стратегик объектлардан бири эканлигини, уни қўриқлаш йўлида ҳарбий хизматчилар ва комбинатнинг ҳар бир ходими

риб келмоқда. Мудофаа вазиридан эсдалик совға қабул қилиб олар эканман, бу вазифанинг нақадар масъулиятлилигини яна бир марта ҳис қилдим. Бизга билдирилган ишонч ва Ватанга қилган қасамёдимизга муносиб хизмат қилиш ҳар биримизнинг олий мақсадимиздир.

200 ЎРИНЛИ ЯНГИ БИНО

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида муддатли ҳарбий хизматчилар учун замонавий жиҳозлар ва қулай шароитларга эга ошхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Очилиш маросимида қўмондонликнинг масъул офицерлари, ҳарбий хизматчилар, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Албатта, ўзида барча қулайликларни мужассам этган мазкур ошхо-

нада бир вақтнинг ўзида турфа таомлар, нон ва қандолат маҳсулотларини ҳам тайёрлаш мумкин.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда мудофаа тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ватан ҳимоя-

чиларининг сидқидилдан хизмат олиб боришлари учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратилапти. Бу ҳарбий хизматчиларга қаратилаётган эътибор, қолаверса, соҳадаги янгиланишлару ислохотлар ифодасидир.

ҚУТЛУФ САНА ШУКУҲИ

Қуролли Кучлар академиясида мазкур ўқув даргоҳи ташкил этилган кун муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларининг тарихи ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида халқаро ҳарбий-илмий конференция ўтказилди.



III darajali serjant Olim BERDIYEV



Унда вазирлик ва ҳарбий округ қўмондонликлари масъуллари, 11 та мамлакатнинг Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган ҳарбий атташелари, академиянинг профессор-ўқитувчилари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Анжуманни Қуролли Кучлар академияси бошлиғи полковник Бобур Шаякубов кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиққанлар олий ҳарбий таълим муассасаларининг тарихи, ривожланиш истиқболлари, шонли анъаналари, шунингдек мазкур даргоҳларда Ватанга садоқатли, мураккаб тактик вазиятларда тезкор ва ностандарт қарорлар қабул қила оладиган, интеллектуал салоҳияти юксак, дунёқараши кенг офицер кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилган изчил ислохотлар, олий таълим муассасасидаги моддий-техник база, таълим жараёнини такомиллаштириш йўналишида хорижий олий

ҳарбий билим юртлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ва уларнинг натижалари хусусида атофлича фикр юритдилар. Ҳар бир мавзу юзасидан намойиш этилган видеороликлар меҳмонларнинг мамлакатимиздаги мавжуд олий ҳарбий таълим муассасалари ҳақидаги тушунчаларини бойитди.

Куннинг иккинчи ярмида қутлуф сана муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди. Унда мудофаа вазирининг ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев қатнашиб, академия жамоасига мудофаа вазирининг байрам табригини ўқиб

эшиттирди. Шукӯхли тантана давомида бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчилари ва фахрийлар навбатдаги ҳарбий унвон, кўкрак нишонлари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Санъаткорлар ижросидаги концерт дастури кечага ўзгача файз бағишлади. Шу куни байрам тадбири доирасида академияда уюлмаган ёшлар учун ташкил этилган очик эшиклар куни ҳам таассуротларга бой бўлди.

**Подполковник
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА**



АМИР ОЛИМХОННИНГ



ТАЪЛИМИЙ ИСЛОХОТЛАРИ

Ҳар бир давлат ҳукумати халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиётига эришиш учун илм-фанни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Бунинг учун доимий равишда таълим тизимини ислоҳ этиб, замон талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлашга ҳаракат қилади. XX аср бошларида Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдори Амир Олимхон (1910–1920) ҳам таълим соҳасида ислоҳотлар ўтказиб, маориф тизимида қатор ўзгаришларни жорий қилди.

XX аср бошларида дунёда содир бўлаётган техникавий янгиликлар ва илм-фаннинг жадаллик билан ривожланиб бориши янги ҳукмдорни бефарқ қолдирмади. У жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан таълим тизимида ҳам қатор ислоҳотларни амалга оширди. Мактаб ва мадрасалар фаолиятини такомиллаштиришни давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу ишга қўшбеги (бош вазир) ва қозикалон (олий қози) ни масъул қилиб қўйди.

Амир Олимхон 1911 йил март ойида «Таълим тўғрисида» фармон чиқарди. Унга кўра, мадраса талабаларига турли ҳошиялар ўқитилмаслиги, тафсир ва ҳадис расмий дарс сифатида ўқитилиши; давлат хазинасига олинган вақфлардан йиғилган пулларга шаҳарнинг турли ерларида мактаблар қуриш ҳамда уларга муаллимлар тайинлаш; мактаб муаллими олим, хушхат ва хушқироат бўлиши; уларга мактабларнинг вақфларидан ташқари давлат хазинасидан йиллик 120 танга маош тайинлаш; таҳсил учун болалардан пул олмаслик; мактабларга бир нозир тайинлаш ва у ҳар ой мактабни тафтиш қилиб, амирга ҳисобот бериши белгилаб қўйилган эди.

Ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида 1911 йил апрель ойи бошида Бухоро шаҳридаги барча мактаблар муаллимлари Регистонга чақирилиб, қўшбеги томонидан ҳар бир муаллимга 15 тангадан маош берилган. Ойлик тарқатилгач, Насрулло қўшбеги муаллимларга қарата қуйидаги мазмунда нутқ сўзлайди: «Муаллим афандилар, Ватанимизнинг ёш болаларининг таълим-тарбиясига кўб ортиқча диққат этингизлар. Уларни ҳеч вақт урмангиз. Ўқимокқа тарғиб ва ташвиқ учун уларни доимо мактабга муҳаббат этмоғига саъй

қилингиз. Бир соат ўқитиб, бир неча дақиқа танаффус этдирингиз. Бирдан 3-4 соат ўқитиб, уларнинг бошларин қотирмангиз. Зероки, бул тариқа қилсангиз, уларда ўқимокқа ҳеч рағбат бўлмай, мактабдан чиқмоққа шошиб турсалар керак. Агар уларга мактабни яхши кўргузмакни хоҳласангиз, мактабга келмоққа ўзлари шошиб турадурлар. Ҳар ўқитган сабоқни енгиллик ила англариб ўқитингиз. Бола ўқуган сабоқни билиб турса ва бир оз фойдасини фаҳмласа, сабоқни ўқимокқа шавқлик бўладур. Агар биринчи соат қичкуруб-қичкуруб, ҳеч бир нарса англамаса, ўқимокдан безор бўлур. Мана шул тариқа яхши ўқитсангиз, йилнинг охирида шогирд болаларда таҳсил самараси кўринса, ул вақтда сизлар ҳам моддий ва маънавий мукофотга етсангиз керак».

Шунингдек, амир мамлакатнинг барча бекликларида мактабларни назорат қилиш ва моддий рағбатлантириш учун вилоят ҳокимларини масъул қилиб қўйди.

Амир Олимхон мадраса таълим тизимида ҳам ўзгаришлар қилишга киришди. Унинг буйруғига кўра, 1913 йилда Бухоро шаҳрида янги мадраса қурилади. Мадрасанинг кириш дарвозаси оқори қисмида қуйидаги жумлалар ёзилган бўлиб, ҳозиргача сақланиб қолган:

«Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинким, жаҳонни яратган Парвардигорнинг лутфи карамидан фикҳ, тафсир ва ҳадис каби фанлар киритилдиган бу беназир макон (жой)ни барпо этиш жаҳон султанининг амри билан ниҳоясига етди.

Хаёл кўзгусининг яратилиши, яъни қурилиш санасини охирги жумладан изланг.

Бу билим даргоҳини бино қилувчи адолатли шоҳ (амир) Саййид Олимхондир».

Мадрасанинг бош мударри-си этиб тошкентлик Холмурод афанди тайинланган, мударрис Садриддин маҳдум ҳисоб, ҳандаса, фароиз, мударрис Ибодулла Маҳдум фатво фанларидан дарс ўтган. Шунингдек, тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, усули фикҳ, ҳисоб, тажвид, тарих фанларидан ҳам таълим бериш белгилаб қўйилган.

Мадрасанинг низомномасида бу ўқув муассасасида таҳсил олаётган ўқувчининг иккинчи мадрасада ўқиши тақиқланиб, ҳар йили таҳсилнинг охирида талабаларни имтиҳон қилиш қатъий белгилаб қўйилган. Мадраса ташкил этилган вақтда унда фақат бухороликларнинг таълим олишига рухсат берилган бўлиб, кейинчалик четдан келган ўқувчилар ҳам қабул қилинган («Вақт» журнаliga Бухородан келган бир мактубда 1915/1916 ўқув йилида татаристонлик Исҳоқ Сайфиддин мадрасага таҳсил олиш учун қабул қилинганлиги қайд этилган).

Амир Олимхон бу мадрасани ташкил этиш ҳақида қўшбеги номига буйруқ чиқарганида консерватив қарашдаги мулла Қамариддиннинг таъсири остидаги бир неча муфти ва беклар мадрасанинг ташкил этилишига қаршилик қилади. Улар мадрасада дунёвий фанларнинг ўқитилишига кенг ўрин ажратилганидан норози бўлиб, бу масалада Бурҳониддин қозикалонга мурожаат қилган. Қозикалон бу ишнинг бошида шахсан амирнинг ўзи турганини айтиб, уларнинг норозилигига чек қўйган.

Амир Олимхоннинг мадраса таълим тизимида оид ислоҳотлари ҳақида кейинчалик Фитрат қуйидагиларни ёзади: «Миллатимизни кишанлаб, ортга тортаётган безътиборлик, хорлик томир-томирига сингиб кетаётгани, буларнинг барчаси беилмлимиздан эканлигини минглаб далил ва исбот билан айтдик. Бу беилмлимиз, ўз навбатида, мадраса ва мактабларимиздаги дарс усулларининг бузилиши беинтизомликни келтирмоқда. Қўлимиздан келганча йўл-йўриқ кўрсатдикки, бундан буён ҳозирги ижтимоий қонунлар, замон тақозосича мактаб ва мадрасаларимизни ислоҳ қилмас эканмиз, ҳаёт муҳофазаси, миллият шарафимиздан ожиз қоламиз. Камоли шукр айтиш билан шуну иқдор қилурмизки, бу барча холисона фарёд кўтаришларимиз тамоман бетаъсир кетмади.

...Шу кунларда жаноби олий шикоятларимизнинг бошқа бир қисмини назари эътиборга олиб, Бухоро мадрасалари ислоҳи учун лозим бўлган дастлабки қадамни лутфан қўйдилар. Шу тариқаки, лозим илмлар тадриси учун янги бир мадраса бино қилдилар... Бундан буён Бухорога иқтидо қилиб, ўз мадрасаларини ислоҳ ниятидалар. Бугунги кунгача биз диний илмларни ҳосил қилмоқ учун узоқ шаҳарларга сафар қилган бўлсак, энди ўз Ватанимизда ўқийдиган бўлдик. Бинобарин, бу инъом жаноби олийларининг диндорона инъомларини қалб самимияти билан муборакбод этамиз».

Амир Олимхоннинг буйруғига кўра, 1913 йил сентябрь ойининг бошида Бухоро шаҳрида янги типдаги 3 бўлимли: ёзиш, ҳисоб хонаси ва кироатхонадан иборат мактаб биносининг қурилиши бошланиб, унга биринчи ғиштни қозикалоннинг ўзи қўйган. Ўша йилнинг октябрида Насрулло қўшбеги ва Бурҳониддин қози-

калон барча мадраса мударрисларининг фаолиятини ўрганиб, ахлоқий жиҳатдан етук ва билимли мударрисларни мадрасаларда таҳсил беришга лойиқ деб топган ва нолийқларини ишдан четлаштирган.

1913 йилдан бошлаб, Туркияда таҳсил олиб қайтган Усмон Хўжа, Отаулла Хўжа, Абдурауф Фитрат, Ҳамиджон Меҳрий ва бошқалар Бухоро амирлиги ҳудудида жадид мактаблари оча бошлайди. Дунёвий билимлар беришни ўз олдида мақсад қилиб қўйган бундай мактаблар тез орада халқ орасида шухрат қозонади. Аммо анъанавий мактаблар фаолияти тарафдори бўлган уламолар янги усул мактабларига қарши чиқади. Бунинг учун амир Олимхоннинг шикоятларни қабул қилиш кунидан устамонлик билан фойдаланадилар.

Бухоро амири Саййид Олимхон ҳукмронлигининг дастлабки кунлариданоқ халқнинг шикоятлари ва таклифларидан хабардор бўлиб бориш мақсадида Аркнинг кириш дарвозаси ёнида шикоятлар қутиси ташкил қилинган эди. Аммо бу етарлича натижа бермагач, ҳар жума кун Масжиди Калонга жума намозини ўқишга бориш ҳамда қайтиш пайтида халқнинг арзлари ёзилган хатларни шахсан қабул қилган. Хатларни бирма-бир кўриб чиқиб, унинг ижросини таъминлашни тегишли амалдорларга йўналтирган. Янги усулдаги мактабларни ёпишни сўраб ёзилган ариза ҳам шулардан бири эди. Амир Олимхон хатни кўриб чиқиб, Насрулло қўшбегига Бухоро шаҳрида очилган 3 та жадид мактабини вақтинчалик ёпиб қўйишга буйруқ беради. Бу мактабларнинг ёпиб қўйилишидан халқ норози бўлади. Шунда амир: «Боғланиш мактабларининг муаллимлариға ва буларда ўқийтурган болаларнинг ота-оналариға эълон этилсунки, мактабларнинг боғланганлигиға ҳазин бўлмасинлар! Мен аввал мактабларни ҳукуматдан рухсатсиз ҳолда ишлагани учун вақтинча ёпдурдим. Тездан Бухорода янги мактабларни очдирмоғлигимга амин бўлсунлар!» деб қўшбегига бу гапини халққа етказишни амр қилади.

Аммо амир янги усулдаги мактабларни очишга расман буйруқ бермасида, тез орада Бухоро амирлигида бундай мактаблар сони 45 тага етади.

Амир Олимхон давлат раҳбари сифатида таълим тизимида алоҳида эътибор қаратиб, мактаб ва мадрасалар ўқув дастурларига дунёвий фанларни киритишни шарт қилиб қўйган. Таълим тизимини давлат хазинаси ҳисобидан молиялаштириб, муаллимларга маош беришни жорий этган. Янги мактаб ва олий таълим берувчи мадраса очтириб, уларнинг фаолиятини шахсан ўзи назорат қилган. У Европа ва Осиёнинг ривожланган давлатларидан мамлакат ҳудудидаги кириб келаётган таълим тизимида оид ўзгаришларга ижобий муносабатда бўлиб, дунёвий фанларнинг ўқитилишига қаршилик кўрсатмаган. Ҳар бир давлат ҳукмдори каби Амир Олимхон ҳам қўл остидаги мамлакатининг таназзулидан эмас, тараққиётдан манфаатдор бўлган.

Дилноза ЖАМОЛОВА,
 ЎзФА Тарих институти
 докторанти
 oyuina.uz сайтидан олинди.

ЗИБЕРТ

Ўз ҳаётингга кўз югуртириб
чиққанингдан кейингина буюк ижодкор
бўлишинг мумкин, деган эди машҳур
адиб Марсель Пруст.




АСЛИДА КИМ ЭДИ?

Ҳа, болаликда ҳаммаси китобга бўлган меҳр-муҳаббатдан бошланган... Тўғри, отамиз раҳматли тўғрисўз, ҳалол инсон, деҳқон одам эди, аммо бироз забти танг, китоб ўқишимни ҳам унчалик хушлайвермас, фалон-фалон ишларни қилиб қўйинглар, дея укам икковимизга иш буюриб, ўзи кўчага ёки бозорга кетарди. Шунда укам билан ишларни бўлиб олиб, ўзимга тегишли юмушларни тез-тез бажарардим-да, сўнг отамиз уйга қайтгунга қадар китоб мутулаа қилардим. Ўқиган илк китобларим «Ўзбек халқ эртаклари», «Ҳинд халқ эртаклари», «Сайёр труппа», «Зумрад шаҳар сеҳргари», «Эрали ва Шерали» ҳамда бошқа кўпгина асарлар ҳамон кечагидек эсимда. Онамиз раҳматли эса аксинча, китоб ўқишимни рағбатлантирар ва ўзи ҳам бизга кўп эртаклар сўйлаб берарди.

Қишлоғимизда узун қилиб қурилган эски отхона бўларди, ота-онамизнинг айтишича, уруш йилларида колхозга қарашли отлар шу ерда сақлаб боқилган экан. Беш-олти ёш болалик пайтларимизда қаровсиз қолиб, нурай бошлаган ана шу отхонада кўчма кинофильмлар, асосан ҳинд бадий фильмлари олиб келиниб, намойиш қилинарди. Айтмоқчи бўлганим, даставвал ҳинд тилига меҳрим тушган, кейин мактабга кириб, ўқишга қатнай бошлаган чоғларимда ҳаётимга рус тили кириб келди. Уни баҳоликудрат ўрганганимиздан сўнг 5-синфдан бизга немис тили ўқитила бошланди ва менда нимагадир ушбу тилга алоҳида меҳр-муҳаббат уйғонди. Бу, албатта, раҳматли устозимиз Саҳобиддин Жамолов домламининг астойдил қилган саъй-ҳаракатларининг натижаси бўлса, ажабмас.

Ўша пайтларда киночилар ҳинд кинофильмлари билан бир қаторда уруш ҳақидаги фильмларни ҳам олиб келарди. Кунларнинг бирида ажойиб бир фильм намойиш этилди ва ўшанда мазкур фильм қаҳрамони, машҳур ва жасур разведканинг душман ичида юриб, Ватан



озодлиги йўлида амалга оширган қаҳрамонона ишларидан қаттиқ мутаассир бўлганман. То ҳозиргача ҳам у сеvimли қаҳрамоним ва сеvimли кинофильмим ҳисобланади. Эҳтимол, ўшанда тил билиш, шунчаки тил билиш эмас, балки уни ниҳоятда чуқур ва пухта эгаллаш, мана, нималарга қодир экан, деган тушунча-тасаввур болалик қалбимда акс садо бериб, немис тилини ўрганишга бўлган ҳавас-иштиёқимни янаям кучайтирган бўлса керак, деб ўйлайман. Бундан ташқари, домламиниз кўшимча равишда турли адабиётлар, луғатлар, немисча газеталар ҳам олиб келиб, тилни чуқур ўрганишим учун қўлидан келганича ёрдам берар эди.

Шу тариқа 1972 йилда ўрта мактабни битиргач, ҳеч иккиланмасдан Ф. Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат

жаҳон тиллари университети)нинг немис тили факультетига ҳужжат топширдим ва кириш имтиҳонларидан муваффақият билан ўтиб, талаба бўлдим. Ушбу даргоҳдаги ўқишим давомида Эргаш Сармонов, Шавкат Каримов, Софья Кестен, Шариф Рўзиев ва бошқа устозларнинг илм чашмасидан баҳраманд бўлиб, олмон тили ва адабиёти бўйича билимларимни янада мустаҳкамлашга эришдим.

Энди ўзим ниҳоятда таъсирланган ўша фильм ва унинг қаҳрамони мавзусига қайтсам. Маълумки, душман бостириб киргач, ўз-ўзидан ҳарбий мутахассисларга, жумладан разведкачиларга ҳам фавқулодда эҳтиёж сезилган. Ҳикоя қилинишича, давлат разведка бошлиғи Берлиндан қайтиб келгач, унга бир йигит ҳақида ахборот беришади. «Қани, мени у билан боғланглар, аввал бир гаплашиб кўрай-чи», дейди бошлиқ ўз ходимларига. Телефондаги қисқа суҳбатдан сўнг гўшакни кўяркан, разведка бошлиғи ҳайрон бўлиб атрофидагилардан сўрайди: «Менга қаранглар, ҳозир ким билан гаплашдим, Берлин биланми ё анави йигит билан?..»

Дарҳақиқат, бошлиқнинг ҳайрати бежиз эмасди, чунки бўлғуси



разведкачи заводда ишлаб юрган чоғларидаёқ, немис ишчилари билан тез-тез мулоқот қилиб, тилни чуқур ўрганиш билан бирга, ундаги шеваларни ҳам пухта ўзлаштиришга муваффақ бўлганди. Эндиги масала уни қандай қилиб душман ичига ташлашдан иборат эди. Тез орада бунинг ҳам йўли топилади. Партизанлар жанг майдонидан ногоҳ бир душман зобити – оберлейтенантнинг мурдасини тегишли ҳужжатлари билан топиб олади.

Шундай қилиб, ниҳоят, 1942 йилнинг 25 августида у Дмитрий Медведев командирлик қилаётган партизанлар отрядига келиб қўшилади ва душман ичида олиб борган 1,5 йилдан кўпроқ давом этган фаолияти мобайнида босқинчиларнинг 11 нафар генерал ва юқори мансабдорини йўқ қилишга эришади. Бироқ SD (Sicherheitsdienst) – Хавфсизлик хизмати аллақачон разведкачининг изига тушган эди. Буни ҳисобга олган отряд командири душманни чалғитиш учун унга капитан унвонини беради. Бу пайтда кўшинлар ёвга устма-уст қақшатқич зарбалар бериб, фронт чизиғи ғарб томон тобора яқинлашиб борарди. Жасур разведкачи ҳайдовчи Иван Белов ва поляк йигити Ян Каминский билан бирга навбатдаги жанговар топшириқни бажариш учун йўлга отланади.

Аммо Ровнодан чиқишда уни немис патрули кутиб турарди. Улар патруль бошлиғи майорни отиб ўлдириб, қутулиб кетади, лекин машинага ўқ тегиб, ишдан чиқади ва улар ўрмон томон қочишга мажбур бўлади. 1944 йил 9 мартга ўтар кечаси жангчилар Борятино қишлоғида кутилмаганда бандерачи бандитларга дуч келиб қолади ва тенгсиз олишувда довлук разведкачи тириклайин қўлга тушмаслик учун ўзини граната билан портлатиб юбориб, қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Душман ичида оберлейтенант Паул Зиберт номи остида қизғин кўпоровчилик фаолиятини олиб борган афсонавий разведкачи Совет Иттифоқи Қаҳрамони Николай Иванович Кузнецов эди. Унинг қаҳрамонона ҳаёти ҳақида кўпгина китоблар ёзилган, кўплаб фильмлар суратга олинган, жумладан Д.Н. Медведевнинг «Сильные духом» («Матонатли кишилар») романи асосида яратилган шу номдаги кинофильмда разведкачи Николай Кузнецов ролини истеъдодли актёр Гунар Цилинский ўйнаган.

Мирзаали АКБАРОВ

✓ HUQUQIY TARG'IBOT



ҚОНУН УСТУВОР — ЈАЗО МУҚАРРАР

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан ҳарбий қисм ва муассасаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тadbirlar мунтазам равишда о'тказиб келинмоқда.

Тошкент ҳарбий прокурорининг катта yordamchisi adliya podpolkovnigi I. Fayzullayev tomonidan Milliy gvardiyaga qarashli

Adliya podpolkovnigi
Alisher QURBONOV,
Toшkent harbiy
prokurorining yordamchisi


harbiy qismlarning birida "Qonun ustuvor – jazo muqarrar" mavzusida profilaktik tadbir o'tkazildi.

Unda Milliy gvardiya harbiy xizmatchilari tomonidan sodir etilayotgan yo'l-transport hodisalari, ularning salbiy oqibatlari hamda harbiy sudlar tomonidan qo'llanilgan jazo choralari muhokama qilindi.

Tadbir davomida harbiy qism mutasaddilariga ijro intizomiga rioya qilish bo'yicha huquqiy maslahatlar berilib, harbiy xizmatchilarning savollariga atroflicha javob qaytarildi.

ОЗОДЛИК ФРОНТИДАГИ ЖАДИДЛАР

Азиз муштарий! Газетамизнинг ўтган сонидида миллат озодлиги учун курашган, аммо шу кунгача номлари тергов ҳужжатларидагина сақланиб келаётган бир гуруҳ ватанпарвар қаҳрамонларимиз ҳақида сўз юритган эдик. Улар қай мақсадга эришди, ўзлари ўйлаган озод ҳудуднинг қай бир ҳаёлий нуқталарида истиқомат қилди, бизга қоронғи. Аммо шуниси аниқки, улар асрий орзулар томон шахдам қадам ташлай олган – озодлик фронтидаги жадидлар эди. Биз эса бу эркак ташна зиёлилар номини таништиришда давом этамиз.



**МУҲАММАД
 ХУСАЙН ТЎҚСАБО
 ЖАЪФАРОВ**

Муҳаммад Хусайн тўқсабо 1858 йилда Бухоро шаҳрида дунёга келган. Беш ёшида отаси вафот этиб, ўн икки ёшигача қариндошлари қарамоғида бўлиб, таълим олади. Муҳаммад Хусайн 15 ёшида устага шогирд тушади. Хунар ўрганиб, ўз хўжалигини тиклайди. Шундан сўнг қоровулбеги амакисининг тавсияси билан ҳарбий хизматга олинади. 1920 йилгача юзбоши, тўқсабо саркардор лавозимларида фаолият олиб борди. 1920 йили қизил армия ҳужуми вақтида 200 йигитга бош бўлиб, Бухоро дарвозаси мудофааси унинг бўлинмасига топширилди. **Жанг олдиан ҳар бир аскарга бор-йўғи 10 тадан патрон тарқатилган эди. Биринчи ҳужумдаёқ барча ўқлар сарфлаб тугатилади. Шунга қарамай, йигитлар мардонавор кураш олиб бориб, бир кун давомида ўқ ёмғири ва тўплар зарбасига чидаб берди. Кейинги кун ҳимояни 50 аскар билан бошлайди. Қаттиқ ҳужум пайтида қолган аскарлари ҳам ҳалок бўлди. Аммо ҳеч бири майдонни тириклай тарк этмади.**

Майдонда бир ўзи қолган Муҳаммад Хусайн тўқсабо яраланган ҳолида уйига бориб яширинди. 1922 йили Бухоро мудофаасида иштирок этган собиқ амир ҳарбийларидан тирик қолганларининг барчаси қамоққа олиниб, 18 кун давомида суд қилинди. Муҳаммад Хусайн тўқсабо айбсиз деб топилиб, озодликка чиқади.

Муҳаммад Хусайн тўқсабо Жаъфаров 1925 йилнинг апрель ойида яна бир бор қамоққа олинади. 1925 йил 5 майда

суд унга «бухоролик форс аскарлари орасида обрўси баланд, Иброҳимбек Лақайга йўл қидиради, ҳамиша амир ва унинг замонини мақтаб, «Ёш бухороликлар»ни қарғаб юради», деб қарор чиқаради.

Шу тариқа Муҳаммад Хусайн тўқсабо 1925 йилнинг 4 сентябрида 3 йилга Сибирга сургун қилинади.



**ҚУРБОНБЕК ТЎҚСАБО
 ШАМСУДДИНБЕК
 БИЙ ЎҒЛИ**

Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғли 1882 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Мактаб ва мадраса таҳсилдан сўнг ҳарбий хизматга олинади. У 1900 йилдан 1920 йилгача саркарда сифатида фаолият олиб борди. 1918 йили Колесов воқеалари даврида Ҳисорда қўмондон бўлиб, фармон етиши билан йигитларни олиб, Бухорога йўл олади. Колесов қўшини энг сўнгги замонавий қуролларга эгаллигига қарамай, бухоролик фидойиларнинг жасорати ва матонати ортидан чекинишга мажбур бўлган эди. Бироқ шундан сўнг амирликда жадидларга қарши таъқиб авж олдирилади. Қурбонбек Шамсуддинбек бий ўғли ҳам қозикалон Усмонбекнинг гапи билан «Ёш бухороликлар» партияси тарафдори сифатида бир муддат хибсда сақланади.

Дарҳақиқат, Қурбонбек тараққийпарвар фикрли жадидчилик қарашларига мойил инсон эди. Айниқса, унинг яқин дўстлари Мирзо Назрулло Ғофур ўғли (кейинчалик Германияда таҳсил олиб қайтган Неъмат Назруллаевнинг отаси) ва Абдуҳаким маҳзум Обид «Ёш бухороликлар»нинг етакчиларидан эди. Ниҳоят, сўроқ-саволлар натижасида у


ўзининг айбсизлигини исботлаб, қамоқдан чиқади. Шундай бўлса-да, давлат бирлиги ва равнақи йўлида «Ёш бухороликлар»га қарши амалга оширилган қатъий чораларнинг ҳам тўғри эмаслигини айтиб ўтди.

Қурбонбек Шамсуддинбек бий ўғли 1919 йили тўқсабо унвонини олиб, 300 аскарга бошлиқ этиб тайинланади. Унинг гуруҳи «Сешанба» деб номланиб, асосан Эски Бухоронинг Қарши дарвозаси ёнида жойлашган эди. Гуруҳда ўзи билан 4 нафар юзбоши (офицер) бўлиб, Али Аҳмад мирохўр, Абдукарим қоровулбеги, Худоёр қоровулбегилар раҳбарлик қилар эди. 1920 йилнинг августидида қизил армияга қарши ҳаёт-мамонт жангида «Сешанба» гуруҳига Қарши дарвозадан Ситораи Моҳи Хосагача бўлган ҳудудни кўриқлаш топширилган эди. Когон тарафдан келаётган қизил аскарларга қарши гуруҳ тинимсиз ўқ ёмғири остида бир кун мудофаани ушлаб турди. Амир аскарлари ҳар жабҳада мағлуб бўлганига қарамай, гуруҳ аскарлари иккинчи кун ҳам жанг майдонини ташлаб кетмади.

Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғли ғалабага ҳеч қандай умид қолмаганини англагач, аскарларининг муқаррар ўлимига кўзи қиймай, Орифонга чекинишни буюради. Қизил аскарлар буларнинг қаршилигини синдириш учун оддий қуролсиз аҳолини аёвсиз даражада қирғин қила бошлайди. Кеч соат 10 ларга бориб Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғли аскарларининг тарқалишини буюради. Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғли «Ёш бухороликлар»нинг азалий дўсти бўлганлиги туфайли инқилобдан сўнг БХР ҳукумати томонидан ишга олиниб, солиқ ишлари бўйича Шерободга ишга юборилади. Бироқ ЧКнинг турли аралашувлари туфайли ишдан воз кечиб, ўз хўжалигида деҳқончилик билан шуғуллана бошлайди.

Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғли 1925 йил 12 май кун асилинкалобий ташкилот аъзоси сифатида айбланиб, қамоққа олинади. Қийноқ ва таҳқирлар остида кечган сўроқларда Қурбонбек бирорта айбловни тан олмади. Аксинча, 1925 йил 27 июнда Тошкент шаҳри Москва кўчасидаги маҳбуслар уйдан Ўрта Осиё ОО ПП ГПУ раҳбариятига ариза йўллаб, ўзига нисбатан ноинсоний, ноқонуний муносабатларга норозилигини баён қилади. Жумладан, тинтув пайтида унинг 50 сўм пули қоровуллар томонидан тортиб олиб қўйилгани, кийимларининг эскириб кетгани ва ташқаридан келтиришга рухсат беришмаётганини, «бу ноинсофлик,

чунки нопок кийимда намоз ўқиб бўлмайди. Қанчалаб ариза ёзяман, ҳеч бирига жавоб бўлмаяпти. Қани адолатларинг?!» деб ёзади. Қарор 1925 йил 11 июнь кун Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғлига нисбатан аскарлар орасида ўта обрўли, 1920 йили Амир билан кетмаган бўлса-да, амирни жуда қадрлайди, деб ЎзССР ЖКнинг 67-моддаси билан айбланади. 1925 йил 4 сентябрда Қурбонбек тўқсабо Шамсуддинбек бий ўғли 3 йилга даҳшатли Соловец концлагерига ҳукм этилади.



**ТОҒОЙ ҚОРОВУЛБЕГИ
 ЭРГАШ ЎҒЛИ**

Тоғой Эргаш ўғли 1889 йилда Кармана шаҳрида дунёга келган. Тоғой 1916 йили қоровулбеги унвонини олиб, амир хизматида олинади. У тез орада ўзининг абжирлиги, жасоратлиги билан барча ҳарбийлар орасида танилиб улгуради. У Душанбегача амир отлик сарбозлари гуруҳининг бошлиғи сифатида хизмат қилади. Шундан сўнг Афғонистонда ҳам амир қоровулбегиси сифатида фаолият юритади. Бироқ Афғонистонда афгон ҳукуматининг талаби билан амир ёнидаги ҳарбийларни қисқартиришга мажбур бўлади. Тоғой қоровулбеги Эргаш ўғли шу вақтда Маккага бориб, ҳаж зиёратини адо этади. 1924 йилнинг қишида Содиқбой, ҳожи Назар деган кимсалар унинг ёнига тилмоч сифатида келади ва ГПУга тутиб беради. Тоғой қоровулбеги Эргаш ўғли 1925 йил 4 сентябрда гўёки амирга ахборот тўплаш мақсадида Бухорога келган, дея айбланиб, ЎзССР ЖКнинг 61, 67, 69-моддалари асосида отувга ҳукм қилинади.



**СУБХОНҚУЛИБЕК
АВЛИЁҚУЛИБЕК
ЎҒЛИ**

Субхонқулибек 1888 йилда Хисор беги Авлиёқулибек хонадонидан дунёга келган. У ўн ёшгача Қаркида мактабда ўқиди, ундан сўнг Балжувон ва Бухоро мадрасаларида тахсил олади. Субхонқули Авлиёқулибек ўғли 25 ёшгача отасининг хизматида бўлди. 1913 йилдан Амир Олимхон унга бек унвонини бериб, Денов туманига бек этиб тайинлайди. 1920 йил бошида Денов беги Субхонқулибек ва отаси Хисор беги Авлиёқулибеклар аввал жадид тараққийпарварларини қўллаган деган бўхтон билан ҳибсга олинади. Бу бўхтон ўтмагач, рус ҳарбийлари билан алоқа боғлаган деб, мол-мулкларига мусодара этилади. Шундан сўнг Бухорога келтирилиб, шахсан амир томонидан тергов қилинади ва ўзларининг айбисизлигини исботлаб, қамоқдан қутулади. Кўп ўтмай, ўз мансабларига тикланади ва қизил армия хужуми вақтида амир сарбозлари таркибида қахрамонона кураш олиб боради.

Ота ва фарзанд беклар амир ҳимоясини таъминлаб, Афғонистоннинг Хонобод шаҳригача Амир Олимхоннинг ёнида бўлди. Амир ёнидан ҳарбийларнинг четлатилиши билан улар Қобул, Мозори Шариф шаҳарларида кун кечирди. БХР ҳукуматининг хорижга чиқиш кетган ватандошларга нисбатан умумий афв эълон қилиниши билан Субхонқулибек Авлиёқулибек ўғли Абдураҳим Юсуфзода билан Ватанга қайтишга қарор қилади. Бухорога келгач, Файзулла Хўжаев уни солиқ ишлари бўйича масъул лавозимга тайинлайди. Бир йил давомида Қўлоб, Шарқий Бухоро худудларида иш олиб бориб, 1923 йили тўсатдан барча лавозимларидан олинади. Субхонқулибек Авлиёқулибек ўғли 1925 йилнинг апрелида қамоққа олинади, 10 июнда «ўта жангари инсон, 1923 йили Машҳадда бўлиб, амирни қайтаришда инглизлардан ёрдам сўраган, ўта хавфли унсур», деб қарор чиқарилади.

Субхонқулибек Авлиёқулибек ўғли 1925 йил 4 сентябрда олий жазога ҳукм қилинган...



**ҚОЗИ АБДУЛЛАХЎЖА
АБДУЛХЎЖА
ЎҒЛИ**

Қози Абдуллахўжа Абдулхўжа ўғли. Акт. 1925 йил 19 апрель. Қози Абдуллахўжанинг уйи 13 апрелда тинтув қилиниб, жуда катта миқдордаги бойликлар, аёлларнинг тилла тақинчоқлари рўйхатга олинган эди. Анкета: қози Абдуллахўжа Абдулхўжа ўғли 40 ёш, 22 апрель 1925 йил. 1885 йилда туғилган, қози, Эски Бухоро 2-туман суди, «Ёш бухороликлар» аъзоси, Девонбеги мадрасасини битирган. Домулло Икромнинг шогирди, мударрислик ҳам қилган.

3 ёшимда отамдан қолдим. Отам ҳам домулло эди. Онама катта қилган. Автобиография: 19.04.25., отам Абдулхўжа Абдулхўжа ўғли Муфтизода гузарада яшаган, 5 йил мактабда, 6 йил қорихонада ўқиб, 12 йил мадрасада ўқидим. Айни пайтда рус тилини ўргандим. Татар Низомиддин янги усул мактабида 2 йил ўқидим ва уни битирмасимдан ёпилди. 1911 йилда «Ёш бухороликлар» ташкилотига аъзо бўлдим. Улар жамиятни ўнглаш учун энг аввало маорифни ривожлантиришимиз лозим, дейишган. Николай ағдарилгач, Насрулло Қушбеги манифест эълон қилди. Хиёбон томонидан бир гуруҳ чиқди. Улардан ҳожи Мирбобо Мирзо Назрулло ўлдирилди. Кўплари 75 даррадан калтакланди. Колесов воқеалари боис Шўрои Исломия ташкилоти ҳаракати ҳам ўхшамди. 1920 йил 7 сентябрда Ф. Хўжаев, У. Хўжаев ажралиб чиқди. 14 сентябрь куни улар менга 20 аскар бериб, Мукамил Бурҳонов билан Адлия нозирлигини тузишга киришдик. Ревком А. Муҳиддинов топшириғи билан Хўжа Низомиддин иккимиз Адлия нозирлигининг 40 параграфдан иборат қозилар бошқармаси низомини тузиб чиқдик.

Бухоро шаҳрининг ўзида 2 та қозилик идораси тузилди. Биринчисига Саидхожи Эшонзода қози ва мен ўринбосар бўлдим. Иккинчисига туман қозиси трибуналга тортилиб, ўринбосари мулло Раҳматулло иш олиб борди. Сўнг тажрибали қозилардан 30 кишини олиб, туманларда 1 йилу 2 ой давомида қозиликларни туздим. Бир пайт иш вақтида комиссар келиб, «Қосимқори қани?» деди. «Бор, уйим очик, уни мен яшириб ўтирибманми?» дедим. Яна озгина ўтиб, Ибод Хўжаев келди ва уйимда тинтув ўтказди. Мени қамоққа олди. Аввал судга элтишди. Бир пайт Фитрат, Раҳимхон Юсуфзода, Ибоджон, Шавкатлар келди. Улар ўзларидан қанақадир комиссия ясаб олган экан. 7 кун ўтиб, сўроққа чақиришди. Мендан яна Қосимқорини сўрадилар. «Ана, демак, сизларнинг ораларингизда экан-да», дедим. Фақат шу гапни айтиб туравердим. Қосимқорининг

найрангига тушган 2 кишини отдилар, 5 кишини қамоққа ҳукм қилишди. Мени суддан қўйиб юборишди. Ҳақиқатан ҳам, мен унга эътибор бермаган эдим. Сўнгра ҳаммасини ташлаб, деҳқончиликка киришдим. 1924 йил сайловда халқ мени 2-туман қозилигига сайлади. Шу гап бор гап, қолган ҳаммаси бўхтон! Сўроқ (25 апрель 1925 йил, Даудов мирзо Даврон, 1887 йил).

«Иттиҳоди Исломи» ташкилотининг жами 28 нафар аъзоси рўйхати келтирилди. Асосийлари деб Аҳмаджон ва Абдуллабек Болтабековларни кўрсатади. Улар советларга қарши Берлинда ташкилот тузади. Бошлиқ А. Бурҳон Германиядан келганида Европанинг қандай ривожланиб кетганини айтади. Сўроқ (25 йил 22 апрель, мирзо Даврон Дувудов, ўзбек): Хатирчига афғон Ғулом Муҳаммадхон Муҳаммад Аминхон билан кетган эди. Аслида Керкида отаси билан учрашиши керак бўлган. «Иттиҳоди Исломи»чилар юқоридагини санаган... Гувоҳ Ғуломқодир Абдулвосиев 1925 йил 22 апрель, 1881 й.т.

1-интернат мудирини: ҳожи Муқим мирохўр қори Мизроп ўғли қариндошим, отаси закотчи, ўзи солиқ идорасида яхши одам, «Ёш бухороликлар»да болаликдан бирга ўқидик, инқилобгача амир уни Қоракўл билан Англияга йўллаган эди. Ўғли ҳожи Султон айтган эди. Юзлаштириш: (6 май 25 йил) қори Абдуллахўжа Абдулхўжа Шавкат Сулаймонов: 22 йил амир босмачиларга рағбат берганида бу тарғибот олиб борган, уларни қўллаб, пул берган. Абдулла хўжа: бўлмаган гап! Қанчадан-қанча одамларни гумон билан ўлдириб юбордиларинг. Аслида уларда ҳам ҳеч қандай айб йўқ эди. Қосимқори эмиш, ким у? Ўзларининг ёлланган итларинг эди. Мана, Тошкентда таможницада ўринбосар бўлиб ишлаб юрибди-ку. Қарор. 5 май 1925 йил. Абдуллахўжа Абдулхўжаев 1920-йилларнинг бошида Қосимқориевни яширган, Берлиндаги талабалар учун пул юборган. Қишлоқларда совет тузумига қарши тарғибот олиб борган. 1922 йили менинг қўлимда ишлаб, номимдан дўкондан катта қарздор бўлиб қолган хизматкорим менга тўхмат қилган эди.

Амир замонларидан менда тиши бўлган кимсаларнинг ҳаракати билан қамоққа ҳам олиндим. Онаси Малика Ақобир қизи (80 ёш) ўғли Абдуллахўжани сўраб, ариза берди. Менинг билимдон, киши ҳақиқига кўз тикмаган, лафзию лўқмаси ҳалол фарзандимни нобакор кимсалар бўхтон билан қаматиб қўйди, деб адолат тилаб ёзди (14 май 1925 йил). Қарор (1925 йил 8 июнь) 67 ни қўллаб, уни Абдуқаҳҳорбек, Насриддин тўқсаболар билан алоқада деб, 1922 йили Қосимқориевни яширган, қамоққа олинишига тўсқинлик қилиб, ахборот бермаган. 1922 йили шу иш бўйича мирзо Баҳромбек Додхо отилганида Равкатнинг аралашши билан уни Фитрат озод этган эди. Нашри маориф каби миллий руҳга қаратилган маориф жамиятларини қўллаб-қувватлаган. Қизлар мактабини очиш тарафдори, ўзи ҳам очган. Уйдан роса кўп олтин тортиб олинган эди. 3 йиллик Сибирдан сўнг яна 3 йилга Уралга буюрилди (20 октябрь 1928 йил).



**ЖАХОНГИРХЎЖА
АКОБИРХЎЖА**

Жаҳонгирхўжа Ақобирхўжа 1897 йилда туғилган. Амир Олимхоннинг қизи Сиддиқага уйланган, жўйборий саидзодалардан. 1925 йили қамоққа олинганида 6 ёшли Аҳмадхўжа исмли ўғли бўлган, қори. 1925 йил 27 июнь куни Хонақои Жўйбор 42-уйдан қамоққа олинган ва бу вақтда деҳқончилик, аравакашлик билан шуғулланган.

У терговчининг: «Амир сенга қизини қандай берган?» деган саволига: «Ман 1913 йил сўнгида 16 ёшимда мадрасани битирдим. Анъанага кўра, амир шу йили энг яхши кўрсаткичлар билан мадрасани битирган талабаларнинг сўнги имтиҳонига ўзи қатнашди. Биз 6 нафар эдик. Талабалар ёши анча катта ва жуда башанг кийиниб келишган эди. Мен уларнинг орасида энг ёши ва анча юпун кийингани эканман. Отам қари киши, деҳқончилик билан шуғулланади. Оиламиз жуда катта эди. Шунга охиридан, эътиборни тортмайдиган жойдан олдин эди. Чақирилган таниқли мударрислар амирнинг олдида талабалар билан савол-жавоб қила бошлади. Амир жавоб берган талабаларга уларнинг жавобига қараб қимматбаҳо тўн, пул ва лавозимлар бериб келаверди. Шу йили Амир Олимхон аввалги йилларда қандайдир фирромликлар ҳақида эшитгани учун яна бир неча мударрисни бошқа хонага жойлаб, уларни танимасдан, фақат жавобларини эшитиб, баҳолаш ёки саволлар туғилса, ёзма жавоб беришини жорий қилган экан.

Мендан иккита аввал турган талаба ҳам қори экан. Шунинг билдириш учун саволлардан олдин тиловат бошлади. Кузатдимки, амир тиловатни ёқтирар экан. Унга ҳам жуда яхши совға берди, қорилигига қараб, қозиликка ишга таклиф этди. Охирида менинг навбатим келди. Амир эътиборсиз қараб қўйди. Мен тиловатни бошладим. У киши бошини қуйи солиб, «давом эт», дегандек туюлди. Бир неча усулда давом эттирдим. Сўнг савол-жавоб бошланди. Бу ҳам анча чўзилди. Лекин амир кетишни истамас, ҳаммасини диққат билан эшитарди. Менга ташқаридан савол келмади. Шундан сўнг у катта совғалар билан менинг олдимга келди. Мен ҳам ҳайрон эдим. Шу вақт ташқаридаги мударрисларнинг баҳоларини келтиришди. Амир Олимхон менга ҳайрат билан қараб: «Кимсиз?» деди. Жўйборий сайидзодалардан эканимни айтдим. Қўлидаги совғаларини ташлаб юборди. Менга: «Сиз учун менинг ҳазинам ҳам етмас экан, лекин ҳазинамдан ҳам қиммат кўрганам бир жавоҳирим бор. Сиз менинг қизимга уйланасизми?» деди. Шу тарих амирнинг куёви бўлиб қолдим».

**Тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Баҳром ИРЗОЕВ билан
ҳамкорликда тайёрланди.**



КИТОБГА

ОШНО ЁШЛАР

...Нукус гарнизонидаги алоқачилар ҳарбий қисми кутубхонаси у қадар катта эмас. Мўъжазгина бу масканди сақланаётган китоблар – ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон адабиётининг энг нодир намуналарини қамраб олади. Қувонарлиси, зиё маскани китобхон аскарлар билан ҳамшиша гавжум. Биз фурсат топиб, ўқишга чанқоқ ёшларнинг суҳбатидан аржуманд бўлмоқ истадик. Ўйлаймизки, уларнинг китоб мутолааси ва китобхонлик ҳақидаги фикр-мулоҳазалари сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

– «Ўқинг ва ўрганг. Жиддий китобларни ўқинг. Қолганини ҳаётнинг ўзи тушунтириб беради», деган эди Достоевский. Дарҳақиқат, китобга ошно тутинган қалб ҳаёт китобини ҳам тез ва осон ўқий олади, – дейди оддий аскар Жавоҳир Зикриёев. – Уйимизда онамнинг каттагина кутубхонаси бор. Лев Толстой, Антон Чехов асарларини биргаликда ўқирдик. «Хамелеон» ҳикояси мени қаттиқ таъсирлантирган. Шундай қилиб мен китобга, мутолаага ошно бўлиб улғайдим. Хурсанд бўлсам ҳам, кўнглимга қил сиғмаса ҳам, китоб ўқиб, ором оламан, таскин топаман. Шунинг учун ҳам китобни қадри дўстим, деб эъзозлайман. Биласизми, ҳозир менда қандай ҳис бор? Онамни соғиняпман. Шунинг учун асосан оналар мадҳ этилган асарларни ўқияпман. Айниқса, Муҳаммад Юсуфнинг она ҳақидаги шеърлари кўнглимдаги соғинч тафтини босяпти...

Сирдарё вилоятининг Ховос туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Жавоҳир Зикриёев билан суҳбат давомида унинг келгуси режалари билан ҳам қизиқдик. У рус тили ва адабиёти йўналишида таҳсил олоқчи эканлигини айтди.

– Китоблар ўқиш – жону дилим, – дейди оддий аскар Муҳаммадқодир Аҳмаджонов. – Кўпчилиكنинг фикрича, спортчилар китоб ўқишга нўноқ бўлади. Йўқ, асло ундай эмас. Қўл жанги спорт тури бўйича Ўзбекистоннинг икки карра чемпиониман. Фармацевтика соҳасида фаолият юритишни мақсад қилиб, мактабда ўқиб юрган вақтларимдан кимё, биология, она тили, адабиёт ва тарих фанларидан репетиторга қатнадим. Адабиёт ўқитувчимиз берган топшириқ сабаб анча-мунча китоб ўқиб чиқишга улгурдим. «Гўрўғли» достони менинг энг севимли китобимга айланди. Қаҳрамонлик, ростгўйлик ҳақида сўзловчи мазкур дoston қаҳрамонидаги сифатлар эр йигитга намуна бўлгудек. Ҳа, халқ дostonлари узoқ ўтмиш ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Айни вақтда мен қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган «Едигей» дostonини мутолаа қиляпман. Ўқиб тугатсам, таассуротларим билан албатта ўртоқлашаман.

Жиззахлик оддий аскар Паҳлавон Исмолов ҳам халқ дostonларидан «Кунтуғмиш»ни ўқиб чиққанлигини гурурланиб сўзлаб берди:

– Китоб ўқиш тасаввурни кенгайтиради. Отабек Ҳасановнинг «Лидерлар» китобида дунёдаги энг зўр театр инсон мияси эканлиги таъкидланган. Инсон қанча кўп китоб ўқиса, театр саҳнаси ҳам рангли бўлиб боравераркан. Мактабда ўқиб юрганнимизда халқ дostonларини ўрганганимиз. Телеэкранларда бахши боболаримиз томонидан куйланган дostonларни тинглаб улғайдик. «Кунтуғмиш»ни ўқиб чиққаннимдан сўнг мен ҳам унга ўхшашни истадим. У ёлғиз ўғил бўлишига қарамасдан, ақлли, билимли, меҳнаткаш, оиласига садоқатли, юртпарвар инсон бўлиб улғаяди. Унинг суюкли ёри Холбека ҳам ўзбек аёлларининг намунаси, ғурурли бир тимсол сифатида кўз олдингизда гавдаланади. Фикримча, бу каби дostonлар ҳар бир эр йигит қалбида жасурлик, фидойилик ва Ватанга садоқат фазилатларини шакллантиради.

– Самарқанд вилоятининг Қўшрабoт туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилдим, – дейди оддий аскар Жамшид Ялғашов. – Ҳарбий оилада улғайганман. Биласизми, мен шу вақтгача бадий китоблар ўқир эдим-у, лекин қунт қилолмасдим. Армияга келиб эса китобга ўзгача меҳрим тушди. Чунки дўстларим орасида китобхонлар жуда кўп. Улар ҳар доим ўқиган китоблари ва улардан олган таассуротларини мен билан бўлишади. Айни вақтда мен ҳам Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романини ўқияпман...

Хизматдан бўш вақтларида Жамшид каби китоб ўқишни ўзига одат қила бошлаган шахрихонлик оддий аскар Муҳаммад Али Эркинoв фикрларига ҳам қулоқ тутдик:

– Дадамнинг туз ишлаб чиқариш цехи бор. Келажакда мен ҳам дадам каби тадбиркор бўлмоқчиман. Дадамга ҳавасим келади. Чунки билимли инсон. Ҳар сўзида бирор китобдан ибора ёки хулоса келтиради. «Тадбиркорлик бу шунчаки олди-сотди дегани эмас. Бунинг учун тил билишинг, муомала маданиятини

ўзлаштиришинг, тафаккурингни кенгайтириш учун китоб ўқишинг керак», деб кўп таъкидлайди. Армияга келиб, дадамнинг бу гаплари моҳиятини англаб етаяпман. Армия мени тарбияляпти. Қандай дейсизми? Мен дангасаликни энгдим. Қунт қилиб, китоб мутолаасига киришдим!

Яхши одатлар ҳам юқумли бўларкан. Ҳарбий қисмда мутолаа учун ажратилган вақт ва ўтказилаётган бадий кечаларнинг ижобий натижаси ўларoқ, аскарлар орасида соғлом муҳит ва рақобат шакллана бошлади. Бу ҳақда сурхондарёлик оддий аскар Дамир Раҳматулин шундай дейди:

– Бугун телефон ва компьютерга ружу қўйган ёшлар жуда кўп. Армияга келгунимча мен ҳам шундай эдим. Асли фойдали иш билан шуғуллансам ҳам бўларди. Чунки компьютерни дастурлашни ва йиғишни биламан. Лекин жуда кўп вақтим ўқиш билан эмас, балки компьютер ўйинларини ўйнаш билан ўтарди. Ҳозир шу ҳақда ўйласам, ўзимдан хижолат бўляпман...

Дадам Камил Раҳматулин Денов туманида ёшларга шахмат бўйича сабоқ бериб келади. Мен ҳам шахматни у кишидан ўрганганман. Яқинда ҳарбий қисмда шахмат бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда иштирок этдим ва ғолиб бўлдим. Ҳарбий ҳаётга кириб келганимдан жуда-жуда хурсандман. Балки, ҳаёт йўлимни шу соҳа билан боқларман. Менинг ҳам қалбимда китобга муҳаббат бор. Яқинда Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарини ўқиб, тинчлик сўзининг маънисини чақдим.

Эндигина 18-19 баҳорни қаршилаган бу азамат йигитларнинг дунёқараши ўзгача. Улар катта ҳаёт остонасида турибди. Орзу, мақсад ва режалари мўл. Асосийси, айни вақтда Ватанга хизмат қилишдек масъулиятли вазифани шараф билан ўтамоқда. Аскарларимизга йил давомида мазмунли китоблар ҳамроҳ бўлишини талаб, улар билан хайрлашдик.

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА
 Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
 матбуот хизмати

«Мустабид тузум даврида элу юрт мустақиллиги йўлида курашиб, қатағон қурбони бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолияти, ўша пайтлари мамлакатимизда ҳукм сурган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар, тарихий воқеалар ҳақида бадиий ва публицистик асарлар яратиш лозим», дейилган эди Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги фармойишида. Таниқли шоир ва таржимон Зикрилла Неъматнинг яқинда «Фирдавс-Шоҳ» нашриётида чоп этилган «Қатағон ўпқони» номли китоби мазкур фармойиш талабларидан келиб чиқиб ёзилган.

ҚАТАҒОН ЎПҚОНИ



Мазкур китобда ХХ аср ўзбек маданиятининг машҳур вакиллари билан бири Абдурауф Фитратнинг зиддиятларга бой ҳаёти тўғрисидаги «Абдурауф Фитрат ёхуд зулматда зиё излаб» ҳамда ўтган асрнинг йигирманчи йилларида мустабид тузум томонидан қатағон қилинган ўзбек талабаларининг аччиқ қисмати ҳақидаги «Қатағон ўпқони» номли пьесалар ўрин олган. Бу асарлар юқорида номлари қайд этилган қатағон қурбонлари ҳақидаги илк сахна асарлари эканлиги билан ҳам қимматлидир.

– Аслида шоирлар ёзадиган пьесалар турли хис-ҳаяжонларга, янги ўхшатиш ва тимсолларга бойлиги билан ажралиб туради. Зикрилла Неъмат шоир бўлгани боис унинг ёзган пьесалари ҳам мароқ билан ўқилади, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эркин Хушвақтов. – Асарда хорижда ўқиб, замонавий билимларни эгаллаб, ўз халқига, Ватанига хизмат қилиш мақсадида Германияга ўқишга борган ўзбек талабалари – Оврупо дипломини Ўзбекистонга илк бор олиб келган, хоразмлик биринчи ҳамшира аёл Марям Султонмуродова, илк ўзбек агрономи Абдуваҳоб Муродий, бухоролик ёш шифокор Баҳоуддин Аминжонов, биринчи ўзбек энергетиги Султон Матқул, Олмонияда ўқиб қайтгани учун жосусликда айбланиб, 32 ёшида отилган тошкентлик ёш шифокор қиз Хайринисо Мажидхонваннинг аччиқ қисмати тарихий далиллар асосида, ишонарли тарзда ёритилганлиги таҳсинга сазовордир.

– Ҳар икки асарнинг илк сатрларидаёқ муаллиф ўтган асрнинг 30-йиллари тарихини жуда яхши билиши кўриниб турибди. Шўролар давлатининг қонли қадамлари, жабру жафолар, қатағонлар илмий-сиёсий, тарихий нуқтаи назардан мукамал ифодаланган. «Абдурауф Фитрат ёхуд зулматда зиё излаб» драматик асари Фитрат, Ҳикматой, Ғози Юнус, Отажон Ҳошим образлари ёрқин хусусиятларга эга. Айниқса, бош қахрамон Абдурауф Фитратнинг монологлари, мунозаралари жонли, теран ва таъсирчан. Томошабинни асло бефарқ қолдирмайди.

«Қатағон ўпқони» пьесасининг ҳам қамрови кенг. Ўқувчини, томошабинни мамлакатимизнинг, хорижнинг турли шаҳарларига етаклайди. Драматик воқеаларга бой. Диалоглар пишиқ-пухта. Ўқувчини ҳам, томошабинни ҳам ҳаяжонда, қизиқишда ушлаб туради. Олий орзулар оғушида Германияга ўқишга кетган, оқибатда шўролар ҳукуматининг маломатига, тўхматига қолган, бироқ ўз эзгу ниятларидан қайтмаган, Ватан равнақини ҳар недан устун қўйган қахрамонлар билан ғойибона дийдорлашамиз. Жумладан, Абдуваҳоб Муродий, Марям Султонмуродова, Баҳоуддин Аминжонов сингари жасур миллатдошларимизнинг оташин сўзлари, туйғулари қалбларимизга ҳарорат, нур олиб киради. Юраклар изтиробдан, қайғудан ларзага келади. Чунки асарда қаламга олинаётган қахрамонларнинг қора қисмати ҳеч кимни ҳеч қачон бефарқ қолдирмайди, – деб ёзади китоб сўзбоҳисида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг

драматургия кенгаши аъзоси, таниқли адиб Луқмон Бўрихон.

– Истеъдодли шоир ва драматург Зикрилла Неъматнинг мазкур «Абдурауф Фитрат ёхуд зулматда зиё излаб» номли икки парда, ўн икки кўриниш, муқаддима ва хотимадан иборат тарихий пьесаси Фитрат ҳаётининг мураккаб ва зиддиятли даври ҳамда унинг қатағон қилинишига бағишланган. Асар асосида юқорида тилга олинган аллома Фитратнинг «жиноий иши»дан олинган архив ҳужжатларининг ижодий жиҳатдан қайта ишланмаси ётади. Аввало, муаллиф томонидан шундай бир кенг кўламли асар ёзишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани ижобий ҳодисадир. Тарихий шахслар ҳақида драматик асар ёзишнинг ўзига хос масъулияти ва талаблари мавжуд. Пьеса муаллифи бу жиҳатдан ўз вазифасини сидқидилдан адо этган. Асарни ўқиган ёки кўрган китобхон ва томошабин кўз ўнгидан Абдурауф Фитратнинг тўлақонли қиёфаси гавдаланади, – дейди тарих фанлари доктори, профессор Қахрамон Ражабов.

Мухтасар қилиб айтганда, ижодкорнинг мазкур китобидан жой олган пьесалари ёш авлодга миллатимиз фидойиларининг мустабид тузум даврида аёвсиз қабоҳату қатағонлар

туфайли чеккан азоб-уқубатлари ва эрк ва озодлик йўлидаги орзу-умидлари ва курашлари ҳақида ҳикоя қилиш билан бирга, аждодлар жасоратига содиқлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Китоб сўнгидан муаллиф мазкур пьесалари яратилишига уни руҳлантирган қатағон қурбонларини ёд этиш борасида изланишлар олиб бораётган таниқли тарихчи, олим ва тадқиқотчиларга, шу жумладан қимматли тарихий маълумотлар учун «Қатағон қурбонлари хотираси» давлат музейи жамоасига ўз миннатдорлигини изҳор этган.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, шу кунларда ижодкорнинг «Абдурауф Фитрат ёхуд зулматда зиё излаб» номли пьесаси Бухоро вилояти мусиқали ва драма театри жамоаси томонидан сахналаштирилмоқда. Абдурауф Фитрат ҳақидаги асарни сахналаштиришга илк бор Фитратнинг ўз она юрти бўлмиш Бухорои шарифда қўл урилгани ҳам таҳсинга сазовор ишдир. Янги спектакль намойиши 31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни арафасида бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

✓ HARBIY PSIXOLOGIYA

АТРОФ-МУҲИТНИНГ РУҲИЯТГА ТАЪСИРИ



Тошкент ҳарбий округи ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий психологлари иштирокида маҳорат дарси кўринишидаги машғулотлар ўтказилди.

Машғулотлар ўқув хоналари, спорт зали ва ҳарбий қисмга қарашли полигонда олиб борилди ва унда офицерлар, сержантлар ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилар иштирок этди. Психологик тестларни ечиш, спорт беллашувида қатнашиш, руҳий йўлакдан ўтиш сингари топшириқларни бажариш жараёнида ҳарбий хизматчиларнинг руҳий ҳолати баҳолаб борилди.

Амалий ва назарий машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Бошқарув маҳорати кафедраси мудири Лола Инагамова, Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2-сонли руҳий-асаб касалликлари шифохонаси ходимлари Нозима Носирова, Ҳилола Ҳайдарова, «Психосфера» амалий психология маркази раҳбари Санжар Йўлдошев каби соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди.

Тадбирга таклиф этилган мутахассисларнинг «Ўз-ўзига психологик ёрдам кўрсатиш техникаси», «Руҳиятда зўриқиш ва ўзига зарар етказишга мойиллиги бўлган ҳарбий хизматчиларни психокоррекция қилиш усуллари», «Ҳарбий хизматчилар билан психореабилитация ишларини амалга ошириш техникаси», «Оилавий муаммоларни психокоррекция қилиш усуллари» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

А. РЎЗИБОВ



Ҳикоят ва ривоятлар олами

БИЛМАСЛИК УЯТ

Арасту ниҳоятда қариб ва букчайиб қолганида, ҳаётининг гулзорида ҳазон мавсуми бошланганида ва ўлим элчиси хавфу хатар солиб турганда мусиқа илмини ўрганишга киришди. Дўстларидан бири унга:

– Гўру кафан ҳақида ўйлаш лозим бўлган бир пайтда танбур чертишдан уялмайсанми? – деди.

Ҳаким унга шундай жавоб қайтарди:

– Билмаслик оғир айбдир, ана шундан уялиш керак.

ТАКРОРДА ГАП КЎП

Айтишларига қараганда, Арастунинг «Жон ҳақида» асарининг Абу Наср Форобий муталаа қилган нусхаси топилган. Ана шу китобга Форобий ўз қўли билан «Мен шу китобни юз марта ўқидим», деб ёзиб қўйган экан. Бу олим тўғрисида нақл қилганларнинг гапига қараганда, Абу Наср Форобий Арастунинг «Физика» асарини қирқ марта ўқидим-у, лекин уни қайта ўқишим керак, дер экан.

АРАСТУНИНГ ЭНГ КАТТА ШОГИРДИ

Бир гал Форобийдан:
 – Фалсафа соҳасида ким ўткир – сизми ё Арастуми? – деб сўрашибди.

Шунда Абу Наср Форобий савол берганга жавобан:

– Агар мен у кишининг қўлида таълим олишга муяссар бўлганимда, унинг энг катта шогирдларидан бири бўлар эдим, – дебди.

ҲАР СОҲАДА БЕНАЗИР

Амир Сайфуддавла ибн Ҳамдон Абу Наср Форобий билан яхши муносабатда бўлган экан. Абу Наср Форобий Дамашққа келгач, Сайфуддавланинг ҳузурига

киради. Амир, одатига кўра, теварагига олиму фозилларни тўплаб, суҳбатлашиб ўтирган экан. Абу Наср амир даргоҳига кириб келганида у ўзининг туркона кийимида бўлади, одати бўйича у доим шу кийимда юрар эди. У аста ичкарига кириб келади-да, амирга юзланиб типпа-тик туриб қолади. Шунда амир унга қараб:

– Ўтир! – дейди.

Абу Наср:
 – Қайси жойга – ўз даражамга қарабми ё сен айтган жойгами? – дейди.

– Ўз даражанга қараб ўтир, – дейди Сайфуддавла.

У дадил юриб, тўрга равона бўлади – тўғри Сайфуддавла ўтирган курси олдига келиб тўхтади. Ҳатто амирни ўтирган жойидан сал нарига суриб ҳам юборди.

Одатда, Сайфуддавла ҳузурдаги мамлуклар – хизматкорлари ҳозир нозир бўлгувчи эди. Амир бўлса, кўпчилик одамлар олдида гапириб бўлмайдиган бекитиқча гапларини ўзи ва ўша хизматкорлари биладиган махсус тилда гаплашарди. Бу тилни улардан бошқа ҳеч ким билмас эди. Шунда амир ўша тилда ўз одамларига қараб:

– Қандай беодоб чол экан! Ҳай, майли, мен ундан баъзи нарсаларни сўрайман, агар тўғри жавоб беролмаса, бошлаб адабини бериб қўясизлар, – дейди.

Амир шундай дейиши билан Абу Наср ўша тилда унга қараб:

– Эй амир, бир оз сабр қил, чунки ҳар бир кишининг оқибатига қараб ҳукм чиқарилади, – дейди.

Абу Насрнинг бу гапидан Сайфуддавла даҳшатга тушади. Кейин унга:

– Бу тилни биласанми? – дейди. Абу Наср бунга жавобан:
 – Ҳа, – дейди. – Мен етмишдан ортиқ тилни биламан.

Абу Наср шу гапни айтиши билан амир унга бошқача қарай бошлайди ва ҳозир бўлган олимлар билан ҳар хил фанлардан гаплашиб кетади. Шунда Абу Насрнинг ҳар жиҳатдан устунлиги аниқ бўлади, бора-бора йиғилганларнинг кўпчилиги суҳбатни тўхтатиб, жим қолади. Фақат Абу Насргина суҳбатни давом эттирар эди. Унинг оғзидан чиққан ҳар

бир гапни мажлис аҳли ёзиб олар эди. Охири Сайфуддавла олимларни жўнатиб юбориб, Абу Наср билан ёлғиз қолади. Амир ўз суҳбатдошига қараб:

– Бирор нарса ейишга қалайсан? – дейди.

Абу Наср унга:
 – Ҳеч нарса емайман, – дейди.
 – Бирор нарса ичишга-чи? – дейди амир.

– Йўқ, – дейди Абу Наср.
 – Бўлмаса, бирор куй эшитишга рағбатинг борми? – дейди амир.

– Ҳа, бор, – дейди Абу Наср. Сайфуддавла машшоқларни чақиртиради.

Машшоқлар қайси куйни чалса, Абу Наср сен фалон жойда фалон хатога йўл қўйдинг, деб унинг камчилигини кўрсатиб турарди. Буни кўриб Сайфуддавла Абу Насрдан:

– Бу санъатдан ҳам хабаринг борми дейман? – деб сўрайди.

– Ҳа, – дейди Абу Наср. У шундай дейди-ю, белидаги тўрвасини очиб, ундан бир неча чўпни олиб, уларни бир-бирига улайди, сўнг чалиб машқ қила бошлаганда, даврада ўтирганлар ўзларини тутолмай кула бошлайди. Кейин олим ўша чўпларни бошқача қилиб бирлаштириб чалган эди, йиғилганлар пиқ-пиқ йиғлашга тушади. Олим чўпларни бошқача тартибга солиб чалгани, амирдан тортиб дарвозабонгача ҳамма донг қотиб ухлаб қолди. Абу Наср аста амир даргоҳини тарк этади.

САБАБ

Абу Наср Форобийнинг ҳикмат фалсафасини ўқишига бир киши сабаб бўлган, дейишади. Уша киши унга Арастунинг бир неча китобини «Шу ерда тура турсин, кейин олиб кетаман», деб қўйиб кетган экан.

Иттифоқо, олимнинг китобларга кўзи тушиб, улар Абу Наср кўнглига маъқул келиб қолади ва ўқишга киришади. Натижада етук файласуфга айланади.

СЎНГГИ ТИЛАК

Абу Бакр ал-Хоразмий ўлим тўшагида эди. Ундан:

– Кўнглинг нимани хоҳлайди, иштаҳанг нимани тусамокда? – деб сўрадилар.

– Китоб юзига бир қарасам, – деди аллома.

СУЛТОН МАҲМУД ВА БЕРУНИЙ

Бир куни Султон Маҳмуд Ғазнада – Мингчинор боғидаги қасрининг болохонасида вазирлар, олимлар ва шоирлар билан ўтириб, бирдан Абу Райҳон Берунийга назари тушибди ва уни имтиҳон қилмоқчи бўлибди.

– Қани, айт-чи, мунажжим, – дебди у Абу Райҳонга мурожаат қилиб, – мен шу болохона тўрт

эшигининг қайси бири орқали ташқарига чиқишим мумкин? Фикрингни қоғозга ёз ва шу ердагилардан бирортасига, ҳатто ўзимга ҳам кўрсатмай, мен ўтирган кўрпачанинг қатига қистириб қўй!

Абу Райҳон устурлобни қўлига олибди, бўр тахтача келтиришларини буюрибди. Сўнг офтобнинг баландлигини ўлчабди, жадвал тузибди, бир оз ўйланиб туриб, бир парча қоғозга алланималарни ёзибди ва уни тўрт буклаб, султон айтган жойга қўйибди.

– Топдингми? – деб сўрабди Султон.

– Топдим, – дебди Абу Райҳон Беруний қўл қовуштириб.

Султон Маҳмуд қоғозга тегмабди, усталарни чақиртириб, болохонанинг кунчиқар тарафидаги девордан эшик очишларини буюрибди. Сўнг ўша эшикдан ташқарига чиқибди ва ҳаял ўтмай, қайтиб кириб, ўрнига ўтирибди. Кейин кўрпача тагидаги қоғозни олиб ўқибди. Унда «Тўрт эшикнинг бирортасидан ҳам ташқарига чиқмайдилар, балки кунчиқар тарафдаги девордан янги эшик очтириб, ўшандан чиқадилар», деган сўзлар ёзилган экан. Султон Беруний унинг фикрини ўқий олганидан жиғибийрон бўлиб, мулозимини чақиртирибди-да:

– Абу Райҳонни қаср томига олиб чиқиб, ерга улоқтиринглар! – деб амр қилибди.

Буйруқ бажо этилибди, лекин Беруний шу воқеадан сал олдин султоннинг кўрсатмаси билан тортиб қўйилган соябон устига тушибди. Шу сабаб бирор ери лат емабди. Султоннинг амри билан уни яна болохонага олиб чиқибдилар. Маҳмуд Ғазнавий унга муғамбирона боқиб дебди:

– Эй Абу Райҳон! Буни ҳам олдиндан билганмидинг?

– Ҳа, билган эдим, султоним, – деб жавоб берибди Беруний.

– Буни нима билан исботлайсан? – унга ўқдай тикилибди султон.

Абу Райҳон хизматкорини чақиртирибди. У хожасининг дафтариини келтириб берибди. Олим унинг орасидан бир варақни йиртиб олиб, Султон Маҳмудга тутқазибди. Султон қоғозни ўқиб кўриб, ҳайрон лол қолибди ва бошини қуйи эгиб, сукутга кетибди. Уша варақда «Мени фалон куни фалон жойда баландликдан ерга улоқтириб юбордилар, лекин бирор ерим лат емай, соғу саломат қоламан», деган гаплар ёзилган экан.

«Донолар суҳбати»
 китоби асосида
 Зулфия ЮНУСОВА
 тайёрлади.



MAKTABGA ONLAYN QABUL

2023/2024-o'quv yilida respublika umumta'lim maktablarining 1-sinfiga 700 000 nafardan ortiq bolani qabul qilish rejalashtirilgan bo'lib, ota-onalarga qulaylik yaratish va qabul jarayonlarini tartibli tashkil etish maqsadida II bosqichda amalga oshiriladi.

I bosqich: joriy yilning 20-iyun kundan boshlanib, 31-iyulga qadar mahalliy hokimliklar qarori bilan maktablarga biriktirilgan mikrohududlar bo'yicha amalga oshiriladi.

II bosqich: joriy yilning 1-avgust sanasidan 15-avgustga qadar mikrohududdan tashqari, qo'shimcha qabul jarayonlari maktablarning o'quvchi o'rni va malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlangani, sinf xonalarining yetarli ekanini inobatga olgan holda amalga oshiriladi.

Tasdiqlangan ma'muriy reglamentga ko'ra, joriy yilda 43 ta tuman va shaharlarda 1-sinfga qabul elektron tizim hamda Davlat xizmatlari markazi orqali amalga oshiriladi. Buni ota-onalar navbatlarsiz, 15 daqiqa ichida amalga oshirishi mumkin.

Hurmatli ota-onalar, umumta'lim maktablariga farzandingizning 1-sinfga onlayn qabuli hamda maktabni ko'chirish masalasini my.maktab.uz sayti hamda

mobil aloqa va shaxsiy kompyuter orqali **9 qadam bilan** o'zingiz amalga oshirsangiz bo'ladi?

Ariza yuborish tartibi:

1-qadam: asosiy oynadagi ro'yxatdan o'tish tugmasi bosiladi;

2-qadam: qabul turi tanlanadi;

3-qadam: telefon raqami orqali ro'yxatdan o'tiladi, parol o'ylab topiladi va 3700 qisqa raqamidan kelgan "sms" kod orqali ro'yxatdan o'tish tasdiqlanadi (*tizimdan ro'yxatdan o'tish va ma'lumotlarni to'ldirish jarayonida to'ldiruvchi shaxs o'z shaxsiy hujjatlari, telefon raqami, bolaning tizimga kiritiladigan hujjatlari, ma'lumotlarini kiritishi lozim. Uchinchi shaxsning ma'lumotlarni kiritishi, boshqa fuqaro uchun ma'lumotlarni to'ldirishi, shuningdek, yolg'on ma'lumotlar kiritishi qonunchilikda belgilangan javobgarliklarga olib kelishi to'g'risida ogohlantirilgan*);



4-qadam: oferta bilan tanishib chiqilgach, rozilik tugmasi bosiladi;

5-qadam: ota-ona yoki uning o'rmini bosuvchi shaxsning qarindoshlik darajasi belgilangach, ota-ona yoki uning o'rmini bosuvchi shaxsning pasport raqami va seriyasi, tug'ilgan sanasi kiritiladi;

6-qadam: Ichki ishlar vazirligining manzil-ma'lumotlar bazasidan olingan doimiy yoki vaqtinchalik ro'yxatga qo'yilgan yashash manzili va ma'lumotlar asosida keyingi jadvalda yashash manzili, mahalla, ko'cha nomi, uy hamda xonadon raqamlari aniq ko'rsatiladi. Keyin doimiy yoki vaqtinchalik yashash manzilingizga biriktirilgan mikrohududdagi maktabni belgilaysiz;

7-qadam: farzandingizning tug'ilganlik guvohnomasi seriyasi va raqami, tug'ilgan sanasi maydoni to'ldiriladi;

8-qadam: ariza maydonida farzandingizning ism-familiyasi, ta'lim tili tanlangach, mikrohududdagi maktab avtomatik tarzda ekranda namoyon

bo'ladi, bunda mikrohududdan tashqari yana ikkita maktabni qo'shimcha tanlash imkoniyati mavjud;

9-qadam: "Saqlash" tugmasi bosilgach, ekranda uchta ariza shakli paydo bo'ladi. Ular to'ldirilib, "Yuborish" tugmasini bosish orqali yuboriladi. Shuningdek, ushbu platformada farzandingizning maktabini boshqa maktabga ko'chirish imkoniyati ham mavjud bo'lib, yuborilgan arizalar tizim moderatorlari tomonidan to'g'ri to'ldirilganligi tekshiriladi. Agar arizalar to'g'ri to'ldirilgan bo'lsa, mikrohudud bo'yicha tanlangan maktabga yo'naltiriladi. Arizalarni ko'rib chiqish muddati uch ish kunini tashkil qiladi.

Onlayn qabul bo'yicha batafsil ma'lumotlarni +99871 203-07-04 raqamidan hamda Telegram messenjeridagi @mymaktab_uz kanalidan olishingiz mumkin.

**Serjant Farrux O'RUNOV,
O'zJOKU III bosqich talabasi**

✓ BOKS

SPORT IXLOSMANLARINI BIRLASHTIRDI

Manbalarda keltirilishicha, qo'lda mushtlashuv miloddan avvalgi 688-yilda Yevropada sport turi sifatida tan olingan va antik Olimpiya o'yinlariga kiritilgan ekan. Zamonaviy boks esa XVII asr boshlarida Angliyada vujudga kelgan. Ko'p asrlardan keyin boks haqiqiy mard va kuchli erkaklar ishtirokidagi sport turi sifatida tan olingan.



O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi qo'shinlarining jangovar tayyorgarligi, jismoniy imkoniyatlarini oshirish, harbiy xizmatchilarni sportga qiziqtirish va ular o'rtasida boksni ommalashtirish maqsadida ushbu sport turi anchagina rivojlangan.

Harbiy xizmatchilarning boksga qiziqishini yanada oshirish, ular o'rtasida eng kuchli sportchilarni



saralash maqsadida Nukus garnizoni sport majmuasida Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondoni kubogi uchun o'tkazilgan boks bo'yicha musobaqa yurt himoyachilari o'rtasida ko'plab sport ixlosmandlarini birlashtirishga xizmat qildi.

Nukus va Urganch garnizonlaridan kelgan 300 nafarga yaqin harbiy xizmatchi 10 ta vazn toifasida o'zaro kuch sinashib, g'oliblik uchun kurash olib bordi. Janglarda sportchilar kuchli jismoniy tayyorgarlik, jangchilarga xos fe'l-atvor hamda axloqiy-ruhiy tayyorgarligini namoyish etdi.

Ikki daqiqadan davom etgan uch raundli janglar bir-biridan jozibasiz, zarba texnikasi hamda shiddati bilan

ajralib turdi. Eng sara bokschi so'nggi soniyalarga qadar kuchli raqobat muhitini yaratib, g'alabaga intilishdi.

Sportchilarni taqdirlash marosimida Shimoli-g'arbiy harbiy okrug qo'shinlari qo'mondoni general-mayor Farhodjon Shermatov musobaqaning ahamiyati va sportning armiyadagi muhim o'rni haqida alohida to'xtalib o'tdi.

G'olib va sovrindorlar yakka tartibda hamda jamoaviy tarzda kubok, medal, diplom hamda faxriy yorliqlar bilan taqdirlandi.

**Kichik serjant
Abdullajon UMARALIYEV
Shimoli-g'arbiy harbiy okrug
matbuot xizmati**

АРМИЯ СПОРТЧИЛАРИ ЕТАКЧИ

Туркиянинг Анқара шаҳрида таэквондо WT бўйича анъанавий «Turkish Open» турнири бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз спортчилари муваффақиятли қатнашди. Жумладан, Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари икки нафари ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Мазкур мусобақа G2 таснифидан ўрин олган бўлиб, ўз вазн тоифаларида ғалаба қозонган спортчилар жаҳон ва Олимпиада рейтингини учун қимматли очколарга эга бўлиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этарди. Шу боис бошқа қатнашчилар каби Ўзбекистон терма жамоаси ҳам ушбу анъанавий турнирда имкон қадар тўлиқ таркибда иштирок этишга ҳаракат қилди. Терма жамоа мураббийлар штаби жароҳатлардан фориғ бўлган 11 нафар етакчи спортчимизни мазкур турнирда қатнашиш учун танлаб олди. Яқунда эришилган натижа ҳам шунга яраша бўлди.

Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказининг, ўз навбатида, мамлакатимиз терма жамоасининг бой тажрибага эга таэквондочиси, яъни жаҳон чемпионатларининг уч карра совриндори, 2018 йилги Осиё ўйинлари ғолиби, 2018 йилги Осиё чемпиони Никита Рафалович «Turkish Open»да катта маҳорат намойиш этди. -87 кг вазн тоифаси бўйича даянга чиққан спортчимиз барча рақибларини мағлубиятга учратиб, мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди.

Мамлакатимиз терма жамоаси ва MVSMнинг яна бир етакчи таэквондочиси, «Токио – 2020» ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби Улуғбек Рашитов 2023 йилги мавсумдаги мусобақаларда гоҳ -68 кг, гоҳ -74 кг вазн тоифасида даянга чиқишига қарамай, 5 марта муваффақиятга эришганди. У



бу сафар «Turkish Open»да қатнашмади. Унинг ўрнига Туркияга борган MVSMнинг -74 кг вазн тоифасидаги яна бир вакили, яъни Улуғбекнинг терма жамоадаги рақобатдоши Жасур Жайсунов эса мураббийлар ишончини оқлади. Янада қизиғи, ушбу вазн тоифаси бўйича мусобақа финалида икки ўзбек спортчиси – Жасур Жайсунов ва Нажмиддин Қосимхўжаев ўзаро тўқнаш келишини мутахассислар ҳам кутмаганди. Ҳал қилувчи беллашувда армия спортчиси устун келди ва мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди, Қосимхўжаевга кумуш медаль топширилди.

Ўзбекистон терма жамоаси «Turkish Open» турнирини 3 та олтин, биттадан кумуш ҳамда бронза медаллар билан яқунлади. Терма жамоамиз аъзоларидан яна Мадинабону Маннопова (-49 кг) ўз вазн тоифаси бўйича баҳслар якунида ғолибликка эришган бўлса, Омонжон Отажонов (-54 кг) бронза медални қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар

Олтин медаль:

- 74 кг: Жасур Жайсунов (MVSM)
- 87 кг: Никита Рафалович (MVSM)
- 49 кг: Мадинабону Маннопова

Кумуш медаль:

- 74 кг: Нажмиддин Қосимхўжаев

Бронза медаль:

- 54 кг: Омонжон Отажонов

Шунингдек, мусобақанинг кадетлар тоифасида ҳамюртларимиздан Ислон Акчурин ҳамда Азизбек Сатторов олтин, Лайло Ҳасанова бронза медалга сазовор бўлди.

✓ BAYDARKA VA KANOE

Бўлажак «Юлдуз»лар

Италиянинг Ауронцо-ди-Кадоре шаҳрида байдарка ва каноэда эштак эшиш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда юртимиз эш эштак эшиш усталари ҳам қатнашди ва жами 6 та медалга сазовор бўлди.

Байдарка ва каноэда эштак эшиш бўйича ўсмирлар ҳамда ёшлар (U-18, U-20, U-23) ўртасидаги Осиё чемпионати бу йил кўҳна Самарқанд шаҳри мезбонлик қилганди. Қитъа биринчилигининг U-18 ва U-23 ёш тоифалари ўртасидаги баҳсларида таркибидан Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакиллари ҳам ўрин олган Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаси зафар қозонган, яъни умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаганди. Шу боис юртимиз спорт мухлислари бу ёшларимизнинг жаҳон чемпионатидаги қатнашувига ҳам катта қизиқиш билдиришди. Ўз навбатида, Италиядаги жаҳон чемпионати ҳам халқаро майдонда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келган армиямиз спорт юлдузлари Артур Гулиев, Шахриёр Маҳамов ва Юлия Борзова каби иқтидор соҳибларининг муносиб издошлари юртимизда камол топаётганини кўрсатди.

Осиё чемпионатида MVSM вакили Гулбаҳор Файзиева фаоллик кўрсатганди, яъни бир неча йўналиш ҳамда турли масофалар бўйича баҳсларда ғолиб ва совриндор бўлганди. Табиийки, терма жамоамиз мураббийлари уни дунё биринчилигига ҳам олиб боришди. Лекин... Италияда Гулбаҳорнинг омади чопмади, унинг ўрнини Владлен Денисов эгаллади. У дастлаб

23 ёшгача бўлган каноэчилар ўртасида 1 000 метрга кечган баҳсларда кумуш медални қўлга киритди. Сўнг Хонзода Эркинова билан бирга (аралаш жуфтлик) 500 метрга кечган 23 ёшли каноэчилар ўртасидаги микст дастурида 2-ўринни эгаллади. Мамлакатимизнинг бўлажак «спорт юлдузи» саналаётган Денисов 5 000 метрга кечган яккалик пойгада ҳам маррага иккинчи бўлиб етиб келди.

Яна бир иқтидор соҳиби Шоҳсанам Шерзодова эса Италияда ўтказилган байдарка ва каноэда эштак эшиш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги дунё биринчилигининг 2 та медалига эгалик қилди. У дастлаб каноэчилар ўртасида 1 000 метрга кечган 18 ёшгача бўлган қизлар беллашувида бронза медалга сазовор бўлди. Сўнг каноэчиларнинг 500 метр масофага ўтказилган аралаш жуфтлик баҳсида Рустамжон Холмамадов билан бирга бронза медаль соҳибига айланди. Яна бир ёш спортчимиз Арина Тўхтамишева 23 ёшгача бўлган байдаркачи қизлар баҳсида 1 000 метрга кечган дастурда кумуш медални қўлга киритди. Шундай қилиб, 65 та давлатнинг 950 нафарга яқин спортчиси иштирок этган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаси аъзолари 4 та кумуш, 2 та бронза медалга сазовор бўлди.



ШОҲСУПА


(хабарлар)

ЎҚ ОТИШ



Индонезия пойтахтида ўтказилган ўқ отиш спорти бўйича «Karolı Cup – 2023» мусобақасида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази мерганлари Вадим Скороваров ва Мухтасар Тоҳирова ҳам ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Вадим пневматик милтиқдан отиш йўналишида жамоадошлари Жавоҳир Соҳибов, Никита Соколов билан биргаликда, Мухтасар ҳам шу дастурда Гулбону Қамарбекова ва Дилафрўз Қобилжонов билан биргаликда жамоавий баҳсларда олтин медалга сазовор бўлди.

ШАХМАТ



Қирғизистонда ёш шахматчилар ўртасида Ғарбий Осиё чемпиони ўтказилди. Минтақанинг 10 та давлатидан 256 нафар ёш шахматчи иштирок этган чемпионатнинг классик йўналишидаги баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 5 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Мусобақанинг блиц йўналишида ҳам ёш шахматчиларимиз медаль жамғаришда барча жамоаларни ортда қолдирди – 4 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медалга эга бўлишди. Аммо бу йўналишда умумжамоада 1-ўрин медаллар сифати бўйича яхши кўрсаткичга (5 та олтин ва 3 та бронза медаль) эга қозғистонликларга насиб этди.

БАДИЙ ГИМНАСТИКА



Руминиянинг Клуж-Напока шаҳрида бадий гимнастика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан икки нафари бронза медални қўлга киритди – Анастасия Саранцева ҳалқа, Мишель Нестерова тасмадаги машқларда шоҳсупанинг учинчи погонасига кўтарилди. Қайд этиш жоиз, бу Ўзбекистон ёш бадий гимнастикачиларининг жаҳон чемпионатлари тарихидаги илк муваффақиятидир.

КУРАШ



Жорий йилнинг 23 сентябрь – 8 октябрь кунлари Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида XIX Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Айти кунларда мазкур ўйинларнинг тантанали очилиш, ёпилиш маросимлари ҳамда алоҳида спорт турларини томоша қилиш учун ташкилий қўмита томонидан чипталар сотуви йўлга қўйилган. Хусусан, «Ханчжоу – 2022» ўйинларининг ташкилий қўмитаси миллий спортимиз – кураш мусобақалари учун чипталар онлайн сотувга чиқарилганини эълон қилиши билан 3 кунлик беллашувларнинг чипталари 20 дақиқа ичида сотиб бўлинди.

ВЕЛОСПОРТ



Туркиянинг Қайсери шаҳрида велоспортнинг шоссе йўналиши бўйича «Grand prix erciyes» мусобақаси ўтказилди. Унда иштирок этган Ўзбекистон эркалар терма жамоаси етакчиси Муроджон Холмуродов бронза медални қўлга киритди. 106 км масофага кечган пойгада юртдошимиз 2:56:56 вақт билан марра чизиғини учинчи бўлиб кесиб ўтди.

YARIM YILLIK SARHISOB

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti markaziy kengashi rahbariyati hamda apparat boshqarma va bo'lim boshliqlari ishtirokida 2023-yilning birinchi yarim yilligi yakunlariga bag'ishlangan hisobot yig'ilishi bo'lib o'tdi.



"Vatanparvar" tashkiloti markaziy kengashi raisi Husan Botirov boshchiligida videoanjuman shaklida o'tkazilgan ushbu yig'ilishda respublika miqosida yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ular orasida sportning texnik va amaliy turlarini ommalashtirish hamda fuqarolarni mehnat bozorida talab yuqori bo'lgan kasblarga tayyorlash bo'yicha so'nggi olti oyda amalga oshirilgan ishlar yuzasidan markaziy kengash raisi o'rinbosarlarining hisobotlari eshitildi. Hisobot davrida yuqori natijalarni qo'lga kiritgan va faoliyatida sustkashlikka yo'l qo'yan har bir hududiy kengash

raislariga markaziy kengash raisi tomonidan tegishli munosabat bildirildi. Shuningdek, tashkilotning Namangan va Buxoro viloyatlari kengashlari barcha yo'nalishlarda yetakchilikni saqlab kelayotganligi alohida e'tirof etildi. Husan Botirov "Vatanparvar" tashkiloti tizimida fuqarolarni kasbhunarlariga tayyorlashda marketing tizimidan samarali foydalanish lozimligini ta'kidlab, bu borada mas'ul bo'limlarga va hududiy kengashlarga tegishli vazifalarni topshirdi. Yig'ilish yakunida joriy yilning ikkinchi yarim yilligida amalga oshirilishi lozim bo'lgan aniq chora-tadbirlar belgilab olindi.

✓ RAG'BAT



HOKIM "SHUNQORLAR" DAN MINNATDOR

Normat Tursunov viloyat sharafini munosib himoya qilgan yoshlarga minnatdorlik bildirib, ularning kelgusidagi ishlarida omad va zafarlar tiladi. Eslatib o'tamiz, joriy yilning iyun oyi oxirida o'tkazilgan "Shunqorlar"

harbiy-sport o'yinlarining respublika bosqichida Xorazm viloyati jamoasining qo'li baland kelib, O'zbekiston Respublikasi

mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti markaziy kengashi raisining kubogini o'zida saqlab qoldi.

O'tgan yili o'tkazilgan o'yinlarda ham ushbu jamoa g'alaba qozongan edi. 2-o'rin Navoiy viloyati, 3-o'rin esa Samarqand viloyati jamoalariga nasib etdi.

Navoiy viloyati hokimligi, Davlat xavfsizlik xizmati va Yoshlar ishlari agentligining viloyat boshqarmalari tomonidan o'tkazilgan yoshlar festivalida "Shunqorlar" harbiy-sport o'yinlarining respublika bosqichida 2-o'rinni egallagan "Vatanparvar" tashkiloti Navoiy viloyati jamoasi a'zolariga viloyat hokimi Normat Tursunovning tashakkurnomasi topshirildi.

СОГЛОМ ОВҚАТЛАНИШ НИМА УЧУН ЗАРУР?



Соғлом овқатланиш саломатликни ҳамда қоматни сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Эътибор берсангиз, бугун семизлик барча ёшдаги одамларга хавф соляпти. Шу боис энергия эҳтиёжларига мос келадиган, калорияга эга озиқ-овқатлар истеъмоли билан тана массасини идеал диапазонда ушлаб туриш ҳамда касалликлардан ҳимояланиш учун соғлом овқатланиш, шу орқали соғлом турмуш тарзига амал қилиш ҳар қачонгидан муҳимдир.

Соғлом овқатланиш – зарур миқдорда барча макро ва микро-элементларни ўз ичига олган, шу билан бирга тана учун керакли энергия миқдорини тўлиқ қондирадиган ва идеал вазнини сақлаб қолишга ёрдам берадиган овқатланиш тури.

Биламизки, инсон танаси аъзоларининг кундалик функцияларини муаммосиз бажариши учун озуқа моддалари керак. Зотан, истеъмол қилинадиган озиқ-овқатлар танадаги жисмоний фаолият ва биологик функциялар учун зарур бўлган энергия манбасини ташкил қилади. Биз истеъмол қиладиган овқатларда учта асосий озуқа моддалари мавжуд. Бу углевод, оксил ва ёғлар. Макроэлементлар деб аталадиган ушбу учта асосий гуруҳга қўшимча равишда, микроэлементлар бўлган витамин, минерал ва озуқа моддалари ҳам тана учун муҳимдир. Чунки овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, чиқариш, қон айланиш, асаб, скелет ва мушак тизимларининг тўғри ишлаши, гормонлар ҳамда тана секрецияларини соғлом ишлаб чиқариши учун витамин ва минералларга бўлган талабни тўлиқ қондириш керак.

Хўш, нима учун одам ҳар куни маълум бир вақтда бир неча марта овқат еб туриши керак? Инсон бу ёруғ дунёда фаол ҳаёт кечирар экан, албатта куч-қувват сарфлайди, меҳнат қилади, турли ишлар билан шуғулланади ва ҳоказо. Жисмоний кучни кўпроқ талаб қиладиган меҳнат эса кўпроқ энергия (куч) сарфлашни талаб қилади. Ёш организм ўсар экан, унда янги ҳужайралар ва тўқималар тўхтовсиз равишда янгиланиб туради, бунинг учун эса, албатта озуқавий моддалар зарур бўлади, одам организми эса уни фақат ейиладиган овқатдан олади.

Кимёвий табиати ва биокимёвий хусусиятига кўра, бир-биридан фарқ қиладиган 100 дан зиёд озуқавий модданинг организмга овқат билан тушиши аниқланган. Нормал ҳаёт кечириш учун бу моддалар одам организмда муайян миқдорда ва нисбатда бўлмоғи лозим. Улардан биттаси ёки бир нечасининг етишмаслиги моддалар алмашинувининг бузилишига олиб келади ва инсонлар соғлиғига путур етказиши мумкин.

УЛАР ҚАНЧАЛИК ЗАРУР?

Оксил, углевод, ёғ, витамин, минераллар ва хун толалари тана функ-

цияларини соғлом сақлашда муҳим ўрин тутати. Бундан хулоса қилиш мумкинки, соғлом овқатланишга риоя қилаётган инсонлар ҳар бир озиқ-овқат турини меъёрида истеъмол қилиши, бунда хилма-хилликни таъминлаши ҳам керак бўлади.

Оқсиллар, шунингдек конструктив ва тикловчи озиқ-овқат гуруҳи деб аталади ҳамда инсон танасининг тузилишидаги энг кенг тарқалган озуқа моддаларидир. Ақлий ва когнитив функцияларни қўллаб-қувватлаш, кўникмаларни бажариш ва бунинг учун зарур бўлган энергияни ишлаб чиқариш, иммунитет тизими элементлари ва қон ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва бошқа кўплаб функцияларни бажариш учун оқсилга бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилиши керак.

Тананинг асосий энергия манбалари бўлган углеводлар эса асосан, дон, дуккакли маҳсулотлар ва меваларда учрайди. Соғлом овқатланишни хоҳлайдиганлар углеводларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун шу маҳсулотларни истеъмол қилишлари зарур.

Яна бир озуқавий элемент бўлган ёғлар вазн ортиши билан боғлиқ бўлган озиқ-овқат гуруҳига киради. Шунинг учун уларни меъёрида истеъмол қилиш керак. Ёғ тана функцияларини муаммосиз бажариш, айниқса, гормонал мувозанатни ҳимоя қилиш учун зарур. Шундай бўлса-да, ҳайвонлардан олинган ёғлар ҳамда маргарин каби қайта ишланган ёғларни умуман ишлатмаслик лозим. Шу ўринда фақат овқатларга қўшиладиган ёғлар эмас, гўшт, сут, балиқ каби озиқ-овқатларда ҳам сезиларли миқдорда ёғ мавжудлигини эсдан чиқармаслик керак.

НОСОГЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИКЛАРГА САБАБ БЎЛАДИ?

Семизлик бугун бутун дунёда кенг тарқалган муаммодир. Ортиқча вазнининг ривожланган ўлчови бўлган семириш юрак-қон томир, метаболик синдром, диабет ҳамда гормонал касалликларни келтириб чиқараётгани билан хавфли. Мутахассислар семиришнинг бош омилни носоғлом овқатланиш, тиббиёт тили билан айтганда, нотўғри овқатланиш деб ҳисоблашмоқда ва нотўғри овқатланиш умумий соғлиқ муаммоларини келтириб чиқаришини таъкидлашмоқда:

- витамин ва минералларнинг етишмаслиги;
- қалқонсимон без касалликлари;
- бепуштлиқ;
- ўсиш ва ривожланишнинг кечикиши;
- унутувчанлик, диққатни жамлашда қийинчилик ва чалкашлиқ;
- чарчоқ ва заифлик;
- тана органлари фаолиятидаги бузилишлар;
- суяк ва бўғимларнинг касалликлари;
- мушакларнинг заифлашиши (саркопения) ва мушаклар кучининг пасайиши.

СОГЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ДАСТУРИНИ ҚАНДАЙ ЯРАТИШ КЕРАК?

Айтиш жоизки, ҳар бир инсоннинг тана тузилиши, ёши, жинси ва саломатлик ҳолати бир-биридан фарқ қилгани сабабли соғлом овқатланиш дастури сифатида аниқланиши мумкин бўлган ягона рўйхат мавжуд эмас. Умумий қоидалар аниқ бўлса-да, барибир соғлом овқатланиш рўйхати диетолог томонидан тузилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсонлар турли-туман маҳсулотлардан овқат сифатида фойдаланишади, албатта, бу маҳсулотлар таркиби билан бир-биридан фарқ қилади. Табиатда инсон организми эҳтиёжини тўла-тўқис таъминлай оладиган ягона бир маҳсулотнинг ўзи йўқ. Буни оқсил, ёғ, углевод, витамин, минерал моддаларга бой бўлган ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари таъминлай олади. Албатта, овқатланиш рационалига хилма-хил маҳсулотларни киритиш соғлом овқатланиш тамойилларининг биринчи шартидир. Озиқ-овқат маҳсулотларида фойдали озуқа моддалари фақат муайян миқдорда эмас, балки организм сарфлаган энергия ва моддалар ўрнини қоплай оладиган даражада бўлиши шарт. Амалда бир марта овқатланиш учун тайёрланган таомда бунга эришиш амримаҳол. Диетологлар мана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда тўғри овқатланиш дастурини тузади.

ОДДИЙ ҚОИДАЛАР:

- кун давомида бир неча мартаба янги мевалар ва сабзавотларни тановул қилишга одатланинг (суткасига камида 400 г);
 - нон ва дон маҳсулотлари, ёрмалар, картошкаларни рациондан чиқариб ташламанг;
 - истеъмол қилаётган овқатларингиздаги ёғ моддаларини назорат қилинг, ҳайвон ёллари ўрнига ўсимлик ёғларини истеъмол қилишга одатланинг;
 - ёғли гўштлар ва гўшт маҳсулотлари ўрнига кўпроқ ёғсиз гўшт, балиқ, парранда гўшtidан фойдаланинг;
 - таркибида ёғи кам бўлган сут ва сут маҳсулотлари ҳамда таркибида ёғ моддалари ҳамда тузи кам йогурт ва пишлоқларни истеъмол қилинг;
 - шакар ва қандни камроқ истеъмол қилинг ҳамда таркибида қанд моддаси камроқ бўлган маҳсулотларни танланг, ширинликлар ва ширин ичимликлар миқдорини чегараланг. Тузни ортиқча истеъмол қилманг. Сутка давомидаги туз миқдори бир чой қошиқдан (5–7 г) ошмаслиги керак. Фақат йодланган ош тузини истеъмол қилиш тавсия этилади;
 - чойни овқат билан бирга истеъмол қилманг! Табиий шарбатлар, шакарсиз компотлар ёки қайнатилган сувларни кўпроқ истеъмол қилиш зарур;
 - овқатни пиширишда керагидан ортиқча қовурманг, чунки фойдали бўлган витаминлар ва фаол моддалар ўз хусусиятини йўқотади.
- Тўғри овқатланишни ташкил қилишнинг муҳим талаби овқатланиш тартибига қатъий риоя қилиш ҳисобланади. Овқатланиш тартиби деганда, овқат ейиш вақти, неча марта овқатланиш ва овқат калориялигининг ҳар сафар ейиладиган овқатга тақсимланиши тушунилади. Овқатни ҳар куни маълум вақтда ейиш керак. Шундай қилинганда, овқат ейиш олдида меъда-ичак шираси кўп ажралади. Овқатни вақтида еганда яхши ҳазм бўлади ва унинг кимёвий компонентлари тўла ўзлаштирилади. Овқатланиш тартибининг бузилиши бу жараёнларни издан чиқарибгина қолмай, балки гастрит, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси каби турли касалликларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келади. Пала-партиш овқатланиш моддалар алмашинувининг бузилишига сабаб бўлади. Углеводлар алмашинувининг бузилиши туфайли тана вазнининг ошиб кетиши ёки қонда холестерин миқдорининг кўпайиши бунга яққол мисол бўла олади.

Г. ҲОЖИМУРОВА тайёрлади.

ГЕЛЬМИНТОЗЛАРДАН САҚЛАНИШ ЧОРАЛАРИ

Одамлар ва ҳайвонларнинг тана ҳамда тўқималари ҳисобига ҳаёт кечирувчи чувалчанлар гельминтлар ёки гижжалар деб аталади. Улар қўзғатган касалликлар – гельминтозлар дунёнинг барча мамлакатларида кенг тарқалган. Ҳозирги кунда уларнинг 260 дан ортиқ, шунингдек қушлар, ҳайвонлар ва ўсимликларда учрайдиган турлари маълум. Гижжалар тузилишига кўра, юмалоқ ва тасмасимон бўлади. Уларнинг тана узунлиги микроскопик катталиқдан то 10 ва ундан ортиқ метр узунликкача етиши мумкин. Ҳар битта гижжа тури одам ва ҳайвонларнинг аниқ бир тана ҳамда тўқималарида яшайди: айримлари ичакда, бошқалари эса жигарда, гўшт тўқималарида ва ҳоказо. Кўпгина ҳайвон гижжалари одамга ҳам юқиши мумкин.

Гижжалар одам танасини захарловчи модда ишлаб чиқариб, асаб, ошқозон-ичак тизими ва қон ишлаб чиқарувчи органларни шикастлайди. Беморлар бош оғриши, безовталаниш, ҳолсизлик, кўнгил айнаши, иштаҳа йўқлиги, қорин оғриши ва ич кетишидан шикоят қилади. Айрим гижжа касалликлари камқонликка олиб келади, организмни турли юқумли ва бошқа ошқозон-ичак касалликларига қарши курашиш қучини, иш қобилиятини ҳамда ақлий фаолиятини сусайтиради. Баъзи ҳолларда гельминтозлар ўзидан оғир асоратларни қолдириши мумкин. Масалан, эхинококк пуфаги билан зарарланган ички аъзо ва тўқималар фаолиятининг бузилиши, йиринглаши ёки пуфакнинг ички аъзода ёрилиши беморнинг аҳволи кескин оғирлашишига олиб келади. Гижжа касалликлари ҳайвонларда ҳам учрайди ва чорвачилиқда катта зиён етказиши мумкин. Республикада одам гижжаларининг кўпчилиги энтеробиоз, гименолепидоз, аскаридоз, трихоцефалёз, тениаринхоз ва эхинококкоз.

Энтеробиоз – острицалар чақирадиган касаллик. Узунлиги 0,5–1,0 см бўлган оқ рангли майда юмалоқ гижжалар одамнинг ингичка ва йўғон ичагида яшайди. Острицалар тунда, уйқу вақтида орқа чиқарув йўлидан ўрмалаб чиқади ва анал тешиги атрофидаги терига тухум ташлайди. Бунда бемор қичишиш сезади ва терини қашлаганда тирноқ остида гижжа тухумлари кўплаб тўпланган. Терига тушган острица тухумлари қисқа вақт (*6 соат*) ичида вояга етади ва касаллик чақириш хусусиятига эга бўлади. Хасталик соғлом одамга асосан, бемор билан алоқада бўлганда, ифлос қўллар орқали, бемор боланинг парвариш буюмлари ва уйинчоқларидан ҳам юқиши мумкин. Шунингдек, касаллик острица тухумлари билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида ҳам келиб чиқади.

Гименолепидоз – пакана гижжа чақирувчи касаллик. Қурт тасмасимон оқ рангли, узунлиги 1,5–3,0 см бўлиб, танаси майда бўғимлардан иборат. Гижжа

ингичка ичакда яшайди, унинг етилган тухумлари беморнинг нажаси билан ташқи муҳитга чиқади. Соғлом одам бемор билан сўрашганда ёки бемор ишлатган буюмлар орқали юқади.

Аскаридоз – аскарида чақирувчи касаллик. Бу оқ ёки пуштисимон рангли думалоқ қурт. Танасининг узунлиги 20–45 см бўлиб, ингичка ичакда яшайди. Айрим ҳолларда аскарида сафро йўллари орқали жигарга, кўричакка кириб, у ерда ривожланади, оғиз орқали чиқиши мумкин. Аскаридалар жудаям серуруғ. Битта урғочи аскарида суткасига 200 мингтагача тухумини ичак бўшлиғига ажратади ва беморнинг нажаси билан ташқи муҳитга чиқади. Тухумларнинг ривожланиши ва вояга етишида тупроқ намлиги ва ҳарорати муҳим ўрин тутаяди. Ўзбекистон иқлими шароитида бунинг учун 10–15 кун етарли. Хасталик гижжа тухумлари билан ифлосланган тупроқ ва қўл орқали, сув ва ювилмаган сабзавотларни истеъмол қилганда юқади. Оғиз орқали кириб, ичакларга тушган тухумдан личинкалар чиқади. Улар ичак деворлари орқали қон оқимига тушиб, ўпкага боради, сўнггра ўпка қон томирларини тешиб, бронхларга тушади ва улар ҳалқумгача етиб, сўлак билан ютиб юборилади. Личинка фақат шундай «саёҳат»дан сўнггина яна ичакка тушиб, вояга етгунча ривожланади. Аскарида тухумлари ташқи муҳит ва зарарсизлантирувчи моддалар таъсирига чидамли бўлиб, тупроқда яшаш қобилияти бир неча йилгача сақланиб қолиши мумкин.

Трихоцефалёз – қилбош чақирувчи касаллик. Бу қилдек қизғиш туси бор оқимтир майда гижжа, узунлиги 3,5–5,5 см бўлган паразитнинг бош қисми ингичка, дум қисми эса йўғон. Қилбош гижжа йўғон ичакда, асосан кўричакда яшайди. Паразит ичак деворидаги шиллик қаватга бош қисми билан кириб ёпишган ҳолда ҳаёт кечиради. Тухумлари нажас билан ташқи муҳитга зарарсиз ҳолда ажралади. Тухумлар тупроқда етарлича намлик ва ҳарорат бўлгандагина вояга етади. Бунинг учун ёзда Ўзбекистоннинг қулай иқлим шароитида 17 кун етарли. Қилбош гижжа тухумлари тупроқда узок сақланади. Бу хасталик асосан, гижжа тухумлари билан ифлосланган қўллар ва сабзавотлар, сув орқали юқади.

Тениаринхоз – ҳўкиз тизмаси чақирувчи касаллик. Ҳўкиз тизмаси мураккаб ривожланиш циклига эга. Унинг личинка босқичи қорамол танасидан ўтади, вояга етиш босқичи эса одам ичагида кечади. Бу тасмасимон қурт, танаси кўп сонли бўғимлардан иборат бўлиб, узунлиги 7 дан 10 метргача етади. Бошчасидаги сўргичлар ёрдамида ҳўкиз тизмаси ичак деворига ёпишади. Етилган (*тухумларга тўлган*) бўғимлари тизма танаси охириги қисмидан узилиб, ташқарига фаол ўрмалаб чиқади, шунингдек ичак ажратмалари билан ҳам ташқи муҳитга тушади. Битта бўғимдан 170 мингтагача тухум чиқади. Тухумнинг кейинги ривожланиши фақат қорамолнинг (*сигир, бузоқ, буқа, кийик ва бошқалар*) организмидан ўтади. Қорамолга касаллик фақат кўм-кўк ўтдангина эмас, балки гижжа тухумлари билан ифлосланган хашак, ем, сув ва парвариш қилувчининг ифлос қўллари орқали ҳам юқади. Қорамол ичагида етилган авлод (*онкосфера*) лар қон ва лимфа оқими билан бутун тана бўйлаб тарқалади ва аксарият тухумлар мушакларда қолиб, пуфакча билан ўралиб финна (*личинка*)га айланади. Одам танасига касаллик зарарланган гўштни чала пишириб истеъмол қилганда юқади. Маҳаллий аҳоли орасида хом ва чала пишган гўштни истеъмол қилиш одат тусига кирган жойларда тениаринхоз касаллиги кенг тарқалган. Масалан, Хоразм вилоятида – *ижжан (хом гўшдан тайёрланган зираворли қийма)*, хе (*корейсларда балиқли таом*), Бухоро вилоятида – *бостурма (сўлланган гўшт)* ва бошқалар.

Эхинококкоз – эхинококк тизмасининг личинкаси кўпгина одам аъзоларига кириши ва ривожланиши ҳисобига вужудга келувчи аллергик хусусиятига эга бўлган, узок давом этувчи хасталик. Эхинококк – узунлиги 3,5 мм, тизмасимон, оқ рангли гижжа. Танаси бош, бўйин ва 3–4 бўғимлардан иборат, бошчасида жойлашган сўргичлар ва илмоқлари ёрдамида у хўжайиннинг ичак шиллик қаватига ёпишади. Эхинококк ривожланиш циклида 2 марта ўз хўжайинини алмаштиради. Вояга етган гельминт ҳақиқий хўжайиннинг (*итнинг*) ичида яшайди, табиат қўйнида эса бўри, чиябўри, тулки ва бошқалар, личинка босқичи эса кўпгина сут эмизувчилар (*оралиқ хўжайин*), шу жумладан қўй, қорамол, эчки, туя, от, кийик, айрим кемирувчилар ҳамда одамда кечади. Етилган тухумлар билан тўла эхинококк бўғимлари ит нажаси билан ташқарига тушади. Эхинококкознинг кенг тарқалишида ит билан қорамоллар асосий аҳамиятга эга. Одам касаллики тарқалишида эпидемиологик аҳамиятга эга эмас. Уй ҳайвонлари эхинококк тухумлари билан ифлосланган хашак, ем ва сув орқали зарарланади. Ит, бўри, тулки ва бошқалар асосан эхинококк билан зарарланган қорамол, чўчка ҳамда ёввойи ҳайвонларни еганда, касалликни юқтиради. Одам асосан, эхинококк тухумлари билан ифлосланган озиқ-овқат ва қўллар, шунингдек одамнинг юзини касал ит ялаганда унинг тили орқали зарарланади. Эхинококк тухумлари билан ифлосланган молларни соғиш,

парвариш қилиш ва қўйларнинг жунини қирқиш вақтида ҳам зарарланиши мумкин.

ГИЖЖА КАСАЛЛИКЛАРИДАН САҚЛАНИШ ЧОРАЛАРИ

Гижжа касалликларининг олдини олишда аҳолининг ўзи фаол, онгли равишда иштирок этгандагина ушбу касалликлардан сақланиш чоралари муваффақиятли амалга оширилади. Бу чоралар жуда оддий ва оммабоп. Аҳоли яшаётган ҳудудларнинг тозаллиги ва керакли даражадаги санитария ҳолати, урф-одати ва гельминтозлар бўйича саводчилиги даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Гельминтозлар профилактикасида шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш жуда муҳимдир. Тирноқларни калта қилиб қирқиш зарур. Овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин, хўжалик ишлари билан шуғуллангандан кейин қўлни совунли сув билан яхшилаб ювиш шарт. Ташқи муҳитнинг гижжа тухумлари билан ифлосланишига йўл қўймаслик гельминтозлар профилактикасида энг асосий чора ҳисобланади. Ҳар бир хонадон, ҳарбий шаҳарча ва оммавий жойларда санитария талабларига жавоб берувчи ҳожатхоналарнинг бўлиши зарур. Ер усти ва ости сув манбаларини гижжа тухумлари билан ифлосланишидан сақлаш учун ичимлик суви иншоотлари атрофида ҳожатхоналар қуриш қатъиян ман қилинади. Хонадонларда хоналарнинг поли ва жиҳозларини хўл латта билан артиш, ҳовлиларни сув сепиб, супуриб туриш зарур, чунки гижжа тухумлари чанг билан бирга оғиз ва нафас олиш йўлларида тушиши мумкин. Очиқ сув ҳавзалари сувини фақат қайнатиб ичиш лозим. Кўпинча мева ва сабзавотлар тупроқ билан ифлосланган бўлади, шунинг учун истеъмол қилишдан олдин уларни тоза сувда ювиш зарур ҳамда устидан қайноқ сув билан чайиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тениаринхоздан сақланиш учун ҳар доим фақат яхши қайнатиб пиширилган гўштни истеъмол қилиш лозим. Ҳайвон парвариши билан шуғулланувчи ходимлар ва ветеринарлар ҳар йили лаборатория текширувларидан ўтиб туришлари ва аниқланган беморлар эса даволанишлари шарт. Янги сўйилган мол гўшти доимо финноз ва эхинококк мавжудлигига текширилиши, зарарланган гўшт эса ёқиб йўқ қилиниши лозим. Эхинококкоз профилактикасида умумий ва шахсий гигиена қоидаларидан ташқари, болаларни ит билан ўйнашига ёки у билан бирга ухлашига йўл қўймаслик, уй итларини ветеринария кўригидан ўтказиш ва профилактик даволаш тавсия этилади.

Тўғри ташхисни фақат лаборатория текширувидан ўтгандан кейингина қўйиш мумкин. Ҳозирги кунда гижжаларга қарши юқори самара берувчи дори-дармонлар мавжуд. Гельминтозларга қарши курашда энг зарурий чора беморларни эрта, ўз вақтида аниқлаш ва уларни даволашдир. Бунинг учун ўзида гижжа касалликлари борлигига шубҳаланган шахслар врачга зудлик билан мурожаат этишлари лозим.

**Тиббий хизмат лейтенанти
Ф. НИЁЗОВ,
Ҳарбий тиббиёт академияси
интернатура тингловчиси.
Б. АҲМЕДОВ,
Мудофаа вазирлиги
Санитария-эпидемиология
назорат маркази
врач-мутахассиси**

MUSTAHKAM HAMKORLIK – IJOBIIY NATIJA

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Sirdaryo viloyati kengashi tasarrufidagi Yangiyer shahri o'quv sport-texnika klubida yoshlar har tomonlama yetuk, jismonan baquvvat, ma'nan barkamol bo'lib yetishishlari, ular qalbida Vatanga muhabbat tuyg'usini mustahkamlash borasida muayyan ishlar amalga oshirilmoqda. Chunki yoshlarni ona yurtga sadoqat va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash davlatimiz siyosatining muhim yo'nalishlaridan biridir.



Xususan, mazkur tashkilotda ham yoshlarni ijtimoiy va foydali hamda ommaviy vatanparvarlik ishlariga ko'proq jalb etish maqsadida qator tadbirlar amalga oshirilyapti. "Yoshlar oyligi" doirasida o'tkazilgan ma'naviy-ma'rifiy va sport tadbirlari shular jumlasidandir.

– Klub jamoasining turli tashkilotlar bilan hamkorligi muvaffaqiyatlar omili bo'lmoqda, – deydi O'STK boshlig'i To'liqin Bito'rayev. – Ayniqsa, harbiy qismlar,

mudofaa, maktabgacha va maktab ta'limi bo'limlari, Yoshlar ishlari agentligi, Yoshlar ittifoqi shahar kengashi bilan mustahkam hamkorligimiz o'zining ijobiy samarasini bermoqda. Tashkilot faoliyatining navbatdagi muhim yo'nalishlaridan biri bo'lgan haydovchilar tayyorlash jarayoni ham belgilangan me'yorlar asosida olib borilmoqda. Shu kunlarda O'STKda "B", "BC", "BE" hamda "D" toifali haydovchilar tayyorlanmoqda. Buning uchun klubda zamon talablariga to'la javob beradigan

moddiy-texnik baza yaratilgan bo'lib, bu, o'z navbatida, bo'lajak haydovchilar malakasini oshirishda, nazariy bilimlarini amalda sinab ko'rishda muhim o'rin tutmoqda. Shuningdek, "Yoshlar daftari" ro'yxatiga olingan yigit-qizlar o'quvini tashkil etish borasida ham amaliy ishlar qilinmoqda.

Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, bugun yoshlarning har tomonlama barkamol bo'lib shakllanishlari muhim. Shu bois ularni sportning texnik va amaliy

turlariga jalb etgan holda ko'rgazmali tadbirlar va sport musobaqalarini tashkil etish katta ahamiyat kasb etadi. Ayni paytda klub qoshida "Havo miltig'idan o'q otish", "Yozgi biatlon", "Karting", "Avtoralli" hamda "Duatlon" kabi seksiya va to'garaklar ishlab turibdi. Buning natijasi o'laroq, tizim tashkilotlari o'rtasida o'tkazilayotgan turli yo'nalishdagi musobaqalarda yangiyerliklar muvaffaqiyat qozonib, yuqori o'rinlarni egallamoqda.

KLUB A'ZOLARINING MUNOSIB HISSASI

Yosh avlodni sog'lom va barkamol etib voyaga yetkazish Yangi O'zbekistonning har bir fuqarosi oldiga mas'uliyatli vazifalarni qo'yadi. Negaki, sog'lom fikrli, erkin dunyoqarashga ega yoshlarni tarbiyalash nafaqat soha xodimlarining, balki har birimizning muqaddas burchimiz. Bu muhim vazifani bajarishga O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Sirdaryo viloyati kengashi tasarrufidagi Xovos tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi ham munosib hissa qo'shib kelmoqda.

Bundan ko'zlangan asosiy maqsad esa, albatta, yoshlarni barkamol etib tarbiyalash ishlarini bugungi kun talabi asosida tashkil etishdir. Shu tufayli klubda bunday ishlar ko'lamini oshirish maqsadida harbiy-vatanparvarlik targ'iboti faol tarzda olib borilmoqda.

– Klub jamoasi tashabbusi bilan bu yo'nalishda turli tadbirlar o'tkazib borilishi an'anaga aylangan, – deydi O'STK boshlig'i Kamoliddin Kadirov. – Bunday tadbirlar, respublikamiz miqyosida o'tkazilgan "Yoshlar oyligi" doirasida "Yangi O'zbekiston yoshlari, birlashaylik!" shiori ostida yanada izchil tus oldi. Tumanimizdagi 1-, 6-, 16-umumta'lim maktablaridagi yozgi oromgohlarda hamda Chegara qo'shinlari harbiy qismlarida "Men ham askar bo'laman!", "Harbiy qismda bir kunim!", "Mening oilam – sportchi" kabi mavzularda uchrashuv va davra suhbatlari tashkil etildi. Unda "Vatanparvar" tashkiloti viloyat

kengashi, tuman O'STK xodimlari, harbiy qism mas'ullari, Qurolli Kuchlar faxriylari hamda Yoshlar ishlari agentligining tuman bo'limi mutasaddilari ishtirok etdi. O'quvchi-yoshlarga harbiy qism rahbariyati va faxriylar tomonidan bugungi kunda yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda milliy armiyamizning o'rni va roli haqida hamda Qurolli Kuchlarimizda olib borilayotgan islohotlar to'g'risida batafsil ma'lumotlar berildi. Tadbir davomida ishtirokchilar o'zlarini qiziqtirgan savollarga soha mutaxassislaridan to'liq javob oldi.

Shu kunlarda tashkilotda haydovchilar tayyorlash borasida ham ko'pgina ishlar qilinmoqda. Ayni paytda klubda "B", "BC" toifali haydovchilar tayyorlanmoqda. Turdosh tashkilotlarda bo'lgani kabi mazkur

dargohda ham bo'lajak haydovchilar malakasini oshirish maqsadida barcha zarur sharoitlarning mavjudligi ham xodimlarning samarali mehnat qilishlari uchun keng imkoniyatlar yaratilmoqda.

Bundan tashqari, klubda sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirishga ham muhim e'tibor qaratilmoqda. Ayni paytda klub qoshida faoliyat ko'rsatayotgan "Havo miltig'idan o'q otish", "Yozgi biatlon" kabi sport

seksiyalarida mashg'ulotlar olib borilmoqda. O'ttiz nafardan ortiq sportchi-yosh bu kabi to'garaklarga jalb etilgan bo'lib, o'z navbatida, klub a'zolari tashkilot nufuzining yuksalishiga munosib hissa qo'shmoqda.



TIL — MILLAT BOQIYLIGI RAMZI

Millat o'z tili bilan boqiylikka yuz tutadi, davr silsilalarida omonda asraladi. Millat tarixini asrlar qatida asrovchi ham, bugunini kelajakka yetkazuvchi ham uning tilidir. Bir so'z bilan aytganda, til – millatning boqiylik ramzi.

Tadbirda dastlab so'z olgan markaz direktori, filologiya fanlari nomzodi, dotsent Inomjon Azimov o'zbek tilining xalqaro miqyosdagi obro'-e'tiborini mustahkamlash borasida olib borilayotgan ishlar samaradorligi, malaka oshirish kurslarida faoliyat yuritayotgan

Qurolli Kuchlar xizmatchilari o'zbek tilini o'zlashtirish bo'yicha o'ziga xos yutuqlarga erishayotgani haqida so'z yuritib, o'zaro hamkorlik uchun mutaxassislariga o'z minnatdorligini bildirdi.

Havo hujumidan mudofaa qo'shinlari va Harbiy havo kuchlari qo'mondonligidan til o'rganishga jazm etgan 75 yoshli iste'fodagi polkovnik Aleksandr Xarlamovning uch oy davomida o'zbek tilini o'rgangani e'tiborga molikdir. O'zbek tilini o'zlashtirgan Qurolli Kuchlar safidagi o'zga millat vakillariga sertifikat bilan birga lotin tiliga asoslangan, harbiy atamalarga e'tibor qaratilgan o'zbek tili imlo lug'atidan iborat kitoblar sovg'a qilindi.

Biz o'z tilimizni qay darajada e'zozlasak, yurtimizda istiqomat qilayotgan o'zga millat vakillari ham davlat tiliga hurmat nazari bilan qaraydi, o'zlashtirishga intiladi. Ko'plab rivojlangan mamlakatlarda o'sha yerdagi davlat tilini egallagan o'zga millat vakillariga ma'lum imtihonlardan so'ng doimiy yashash uchun ruxsat berilishi ham fikrimiz dalilidir. To'g'ri, bizning bag'ri keng mamlakatimizda bunday qonun ustuvor emas, biroq o'zga davlatlardagi bu talab tilimiz qadri, obro'-e'tibori o'z qo'limizda ekanidan dalolatdir. Zero davlat tili millat iftixori bo'lishi shart!

Zulfiya YUNUSOVA,
«Vatanparvar»



Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti huzuridagi Davlat tilida ish yuritish asoslarini o'qitish va malaka oshirish markazida ma'naviy-ma'rifiy tadbir bo'lib o'tdi.

Mudofaa vazirining ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish, davlat tili to'g'risidagi qonun hujjatlariga rioya etilishini ta'minlash bo'yicha maslahatchisi iste'fodagi podpolkovnik Ahror Abdurahmonov, Havo hujumidan mudofaa qo'shinlari

va Harbiy havo kuchlari qo'mondonligi ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'limi hamda malaka oshirish markazi hamkorligida o'tkazilgan tadbir davlat tiliga bo'lgan e'tibor, uning nufuzini asrash va rivojlantirishga qaratildi.

Shuni alohida ta'kidlash joizki, Mudofaa vazirligi tizimida xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilar va Qurolli Kuchlar xizmatchilari markazda davlat tilini mukammal o'zlashtirish borasida doimiy ravishda malaka oshirib kelmoqda. Ushbu tadbirda ham 3 oy davomida o'zbek tilini o'zlashtirgan Qurolli Kuchlar xizmatchilari ishtirok etdi.

tajribali mutaxassislar hamda o'zga millat vakillarining o'zbek tiliga bo'lgan qiziqishi, o'rganishga bo'lgan ishtiyoqiga urg'u berib o'tdi.

O'zbekiston televideniyesining birinchi suxandonlaridan, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist Nasiba Ibragimovaning ishtiroki davraga o'zgacha fayz olib kirdi. Taniqli suxandonning davlat tilini rivojlantirish, e'zozlash borasidagi fikrlari, "til bir umr o'rganiladi" kabi so'zlari ishtirokchilarda katta taassurot qoldirdi. Iste'fodagi podpolkovnik Ahror Abdurahmonov markazda malaka oshirayotgan harbiy xizmatchilar va

VATANGA QASAMYOD

UNUTILMAS KUN

Qurolli Kuchlarimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning ustuvor masalalaridan biri – bu milliy ofitser kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishdan iborat.



Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy institutida Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universitetining davlat attestatsiyasidan o'tgan kursantlarining Vatanga qasamyod qabul qilish marosimi bo'lib o'tdi.

Har bir yigit kun kelib Vatanga qasamyod qilishni o'z oldiga eng

oliy maqsad qilib qo'yadi. Boisi bu marosimdan so'ng ular chin ma'noda mard va jasur yurt posbonlari safiga qo'shiladi. Ushbu o'quv dargohida zaxiradagi ofitserlarning har tomonlama yuqori yetakchilik sifatleri, vatanparvarligi hamda o'z xalqiga sadoqat bilan xizmat qilish tuyg'ulari shakllanadi, dunyoqarashi, intellektual qobiliyatlari rivojlanadi.

Tantanali marosimda Mudofaa vazirligi mas'ul ofitserlari, keng jamoatchilik vakillari hamda ota-onalar, yosh-u keksalar va mehmonlar ishtirok etib, ushbu onlarni katta hayajon bilan kuzatdi. Unda so'z olganlar bugun katta hayotga qadam qo'yayotgan kursantlarning shijoati, kuch va g'ayrati tobora oshib borayotgani, sohada chinakam professional kadrlar yetishib chiqayotgani, mamlakatimiz taqdiri ishonchli qo'llarda ekanini ta'kidlab, yurt osoyishtaligi yo'lida xizmat qilishga bel bog'lagan o'g'lonlarga samimiy tilaklarini bildirdi.

Tadbir so'ngida harbiy xizmatchilarning ko'rgazmali qo'l jangi va jangovar chiqishlari, "Impuls" harbiy ansamblining konsert dasturi yig'ilganlarga yanada ko'tarinki kayfiyat bag'ishladi.


Mayor Sherqo'zi HAKIMOV
Axborot-kommunikatsiya
texnologiyalari va aloqa
harbiy instituti

101 ЎЗБЕК ЖАНГЧИСИ ТАҚДИРИ ИЗИДАН

Нидерландиянинг Лейдена ва Амерсфорт шаҳарлари яқинида 865 нафар совет жангчиси дафн этилган «Рюстхоф» биродарлик қабристони ва «Шон-шараф майдони» ёдгорлик мажмуаси жойлашган. Улар нацистлар томонидан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқлар оқибатида ҳамда ваҳшийларча отиб ташланиши натижасида ҳалок бўлишган. Улар орасида ўлимга тик боққан 101 ўзбек ўғлонининг букилмас жасорати қалбларни чексиз ларзага солади.

«Рюстхоф» биродарлик қабристони ва «Шон-шараф майдони» ёдгорлик мажмуаси 1948 йил 18 ноябрда бунёд этилган. Ўтган давр мобайнида биродарлик қабристонида дафн қилинганларнинг 200 дан ортигининг тақдирига аниқлик киритилди. Нидерландиялик журналист, «Совет жангчилари шон-шараф майдони» фонди бошлиғи Ремко Рейдинг деярли 30 йилдан бунён мазкур иш юзасидан изланишлар олиб бормоқда. У Россия, Грузия, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда бўлиб, 2021 йилга қадар 164 нафар совет жангчисининг тақдирини аниқлади. Ремко Рейдинг фашистлар томонидан даҳшатли қийноқларга солинган 101 ўзбек жангчисининг шахсини аниқлаш, уларнинг қариндошларини излаб топшга қаттиқ бел боғлаган. Шунинг учун голланд журналисти юртимизга тез-тез келиб туради.

Амерсфорт концлагерида тутқунда бўлган голланд асирларидан бири Хэнк Брукхаузен ўзбек жангчиларидан тўққиз нафарининг расмини чизган ҳамда Хотам Қодиров ва Зоир Муратов номлари қайд этилган маълумотларни айнан Ремко Рейдинг Ўзбекистонга олиб келганди. Яқинда голланд журналисти ўз ҳамроҳи Рудольф ван Хилл билан юртимизга яна бир марта келди. «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтган учрашув чоғида Ремко Рейдинг ўзининг рус тилида чоп этилган «Дитя Поля Славы» китоби ҳамда «Восстановление связи» номли фото альбомини «Шон-шараф» давлат музейига совға қилди. Хорижлик меҳмон бир неча кун давомида Самарқандда бўлишини айтиб, 101 ўзбек жангчисидан яна икки нафарининг тақдирига оидлик киритилишини таъкидлади. Уларнинг бири самарқандлик Саломов, иккинчиси эса марғилонлик Раҳмат Отабоев.



Ремко Рейдинг «Рюстхоф» биродарлик қабристонида дафн этилган бу икки ўзбекистонлик қаҳрамоннинг яқин қариндошлари топилишига катта умид билдирар экан, ўлимга тик боққан ўзбек ўғлонларининг жасорати хурмати ўз ишини охирига етказишга асослари етарлигини келтириб ўтди. Шунинг учун Ўзбекистонда 101 ўзбек жангчиси музейини ташкил этиш режаси ҳам борлигини билдирди.

Ремко Рейдинг томонидан олиб борилаётган изланишларнинг игна билан қудуқ кавлашдек мураккаблиги барчага маълум. Эзгу ишга бел боғлаган ҳар қандай инсон, албатта ўз мақсадига эришади. Шу жумладан, Ремко Рейдинг ҳам. Унга хайрли ишини охирига етказиш жараёнида вилоятлар, туманлар ҳокимликлари ва мудофаа ишлари бошқармалари, бўлимлари яқиндан ёрдам бериши аниқ. Булардан хулоса қилган ҳолда 101 нафар ўзбек жангчисининг тақдирига аниқлик киритилади, дея оламиз ва бунга имкониятлар мавжуд.

Асрор РЎЗИБОВ,
«Vatanparvar»



VATANPARVAR

MUASSIS

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:
general-mayor Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:
podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Telefonlar:
kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: katta leytenant Dilshod Ro'ziqulov
Sahifalovchi: Begali Eshonqulov
Musahhih: Zebo Sariyeva

Buyurtma: Г-0705
Hajmi: 6 bosma taboq
Bichimi: A3
Adadi: 31 642 nusxa
Bosishga topshirish vaqti: 14:00
Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.
Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlari chop etilishiga "O'zbekiston" NMIU mas'ul.

Gazeta juma kuni chiqadi.
Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.
Bahosi: kelishilgan narxda.

"O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.